O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY FOTO PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
9 NOYABR
SHANBA
№ 137- 138 (26.997)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

БОЛАЛАР СПОРТИ

БЎЛАЖАК ЮЛДУЗЛАР

Дунёда спорт турлари кўп. Лекин оммавийликда бирор спорт тури футболга тенглашолмаслиги аниқ. Болалигида футбол ўйнамаган кишини топиш амри маҳол. Шу боис ҳам бу спорт турини — миллионлар ўйини, деб таърифлашади. Бугун юртимиз қишлоқ ва шаҳарларида миллионлаб болакайларни чарм тўп ўзига маҳлиё этган.

«Пахтакор» футбол мактабида ҳам ўнлаб болалар ва ўсмирлар чемпион бўлиш орзусида астойдил шуғулланишмоқда. Бу мактаб ўз тарихи ва анъанасига эга. Ўтган давр мобайнида республикамиз жамоалари учун жуда кўплаб иқтидорли спортчиларни тарбиялаб берган. Ҳозирда бу ерда Дилшод Нуралиев, Қудрат Мадаминов, Линур Еремеев, Абдусаттор Раҳимов сингари ўнлаб моҳир мураббийлар болаларга футбол сирларини ўргатишмоқда.

— Гапнинг очиғи, фарзандларини «Пахтакор» футбол мактабига олиб келаётган ота-оналар жуда кўп, — дейди болалар мураббийи Қудрат Мадаминов. — Биз бундан хурсандмиз. Аммо, уларни мактабимизга қабул қилиш учун имкониятимиз чегараланган. Футбол майдончалари етишмайди. Шу боис, болаларни ёш гуруҳларига қараб, 15-20 нафардан ортиқ қабул қила олмаймиз. Улар ҳам қатъий танлов асосида таркибга қўшилишади. Яқинда Юртбошимизнинг Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантиришга қаратилган Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу масаладаги қарори биз мураббийларни жуда қувонтириб юборди. Чунки, бу Фармон ва Қарор бизнинг имкониятларимизни кенгайтиради, болалар учун шарт-шароитларни яхшилайди. Шогирдларимиз орасидан янги-янги истеъдодлар, чемпионлар етишиб чиқишига хизмат қилади.

■ Эркин ХОЛБОБО

✧✧✧

Суратда: «Пахтакор» футбол мактабининг 1993 йилда туғилган тарбияланувчиларидан бир гуруҳи. Улар орасидан футболимизнинг янги юлдузлари етишиб чиқишга ишонамиз.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари,

Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларга муҳим аҳамият бераётганимни яна бир карра таъкидламоқчиман.

Дунё саҳнасида хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган янги хуруж ва хавфлар халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш заруратини тақозо этмоқда. 2001 йилнинг 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Франция ва Ўзбекистон ўзларининг террорчиликка қарши курашларининг қатъийлигини таъкидладилар. Шу боис учинчи минг йиллик бошидаги бу таҳдидларга қарши курашда халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган чоралар кўрилмоқда.

Сиз Жаноби Олийларига дўстлик ва бирдамлик мактубини йўллаш баробарида таъкидламоқчиманки, Франция Сизнинг мамлакатингиз билан ҳуқуқий давлат барпо этишни ниҳоясига етказиш, замонавий бошқарув тизимини шакллантириш ҳамда республика иқтисодиётини дунё миқёсида рақобат қила оладиган даражада юксалтиришга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш борасида ҳамкорликни кучайтиришга тайёрдир. Шунингдек, Франция кўп йиллик саъй-ҳаракатларнинг давоми сифатида мамлакатингиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишида ўз иштирокини кенгайтириш ва ушбу соҳада икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам тайёр.

Ўзбекистон ўзининг бой тарихига мос келажакни яратиш учун барча имкониятларга эга. Ўн йиллик самарали ҳамкорлигимиз Франция учун ҳам, Европадаги бошқа ҳамкорлар учун ҳам Марказий Осиёдаги барқарорлик ва тараққиёт замирида ўз инъикосини топадиган стратегик манфаатларни амалга ошириш йўлида шериклик учун асос яратди.

Бугун олдимизда шу кунгача эришилган ютуқлардан фойдаланиш вазифаси турибди. Ишонтириб айтаманки, бу мақсадни амалга ошириш учун мен бор куч-ғайратимни сафарбар этаман.

Президент Жаноблари, Сизга юксак эҳтиромимни қабул этишингизни сўрайман.

Самимий ва дўстона ниятлар билан,

Жак ШИРАК,
Франция Республикаси Президенти

ВАҚТ

Сув келаётир, деди битта набирам,
Сув кетаётир, деди бошқаси.
Мен улар фикрига бир сўз демадим,
Чунки, ҳақ эди-да, иккаласи ҳам.

Абдулла ОРИПОВ
2002 йил 31 октябрь



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ТУТ ПАРВОНАСИ – МАЙДА КУШАНДА. БИРОҚ УНИНГ ЗАРАРИ...

РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДА ҲИСОБЛАГАНДА МИЛЛИОН-МИЛЛИОН СЎМЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА. ХЎШ, БУ ОФАТГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШИШ МУМКИН? ҚАНДАЙ ТАЖРИБАЛАР ТЎПЛАНГАН, МУАММОЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Яқинда водийга йўлимиз тушди. Қамчиқ довонидан ўтгандан сўнг Поп, Чуст, Тўрақўрғон йўлларининг икки чеккасида тизилган тутларнинг аҳволини кўриб юрак ачишиб кетди. Тутларнинг барглари илма-тешик бўлиб кетган. Новдалари эса калта-калта, ўсишдан тўхтаган, бу ҳам етмагандек айрим тутлар касаллик сабабли қурий бошлаган.

Чорток, Янгиқўрғон туманларидаги тутларга кўзимиз тушгач, таажжубдан ёқа ушладик. Сабаб: ёзда бу тутларда умуман касаллик йўқ эди. Наҳотки, бир-икки ойда очофат тут парвонаси туманлардан туманларга ўтиб, тутларни қийратиб ташлашга улгурган бўлса?! Касалликнинг тарқалиши шундай давом этса, Ўзбекистон кумуш толасининг, умуман, ипакчиликнинг аҳволи нима бўлади? Бу кушанданинг республика иқтисодиётига келтираётган зарари қанча бўлади?

Шундай ўй-мулоҳазаларга бориб бошқа вилоятларда аҳвол қандайлиги билан қизиқдик. Ва газетанинг вилоят мухбирлари ҳамда мазкур зараркунандаларга қарши кураш ва уларни бартараф этиш ишларига алоқадор ташкилотлар мутахассисларига мурожаат этдик.

СЎЗ МУТАХАССИСГА

Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори Муроджон РАШИДОВ:

— Тут парвонаси тут дарахтларининг асосий зараркунандаларидан бири ҳисобланади. У тўлиқ ривожланадиган ҳашарот бўлиб, унинг ҳаёт тарзи капалак, тухум, қурт ва ғумбак шаклида кечади. Совуқ кунлар бошланиши билан катта ёшдаги қуртлар дарахт пўстлоқлари орасига кириб, махсус ипаклари ёрдамида ўзи тўқиган «беланчак» ичида қишлашга киришади. Баҳорда қуртлар ғумбакка айланиб, 15-20 кундан кейин улардан капалаклар учиб чиқади ва улар қўшимча озиқланган, урчиб тухум қўйишга киришади. Бир урғочи капалак 60 тагача тухум қўяди. Тухумдан 4-5 кунда қурт очиб чиқади ва баргларни еб шикастлай бошлайди. У 6 ёшни бошидан кечиради. Учинчи ёшгача бўлган парвона қуртлари баргда очиқ яшаб, баргнинг устки қаватини шикастлайди. Бу даврда у деярли ҳимоясиз ва ожиздир. Тўртинчи ёшлардан бошлаб қуртлар баргнинг бир томонини ўрай бошлайди ва унинг ичида ҳимояланган ҳолатда бўлади. Бу пайтда унга қарши ишлатилган, сиртдан таъсир этувчи инсектицидларнинг самараси паст бўлади. Шунинг учун бу даврда ўсимлик ичига сингиш хусусиятига эга бўлган фосфорорганик дорилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Озиқланишни тугатган қуртлар яна ғумбакка айланади. Ғумбаклаиш тутларнинг пана жойларида — дарахт каллаклари, кўчган пўстлоқлари орасида юз беради. Ғумбак 7-15 кунда етилади ва ундан яна капалак учиб чиқиб янги авлодни бошлаб беради.

— Бу касаллик бошқа мамлакатларда ҳам қайд этилганми?

— Ҳа. Ипакчилик билан шуғулланиб келаётган Япония, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа Жанубий Осиё мамлакатларида, шунингдек, қўшни республикаларда ҳам тарқалган. Бу кушанда улар иқтисодиётига ҳам катта зарар етказмоқда.

«Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компанияси чигирткага қарши кураш хизмати бошлиғи Одилжон ИСОҚОВ:

— Яқин йилларга қадар асосан зараркунандалардан комсток қурти ва тут одимчисининг келтирмоқда.

Кушанданинг салбий оқибати шундан иборатки, ундан зарарланган тутларнинг барг бериш ҳолати 20-50 фоиз камаяди, новдаларининг узунлиги эса 3 мартага қисқариб кетади. Бу аҳвол йилдан-йилга давом этса дарахт қуриб қолиши мумкин.

Унинг тарқалиш жараёни ҳақида тўхталадиган бўлсак, кушанданинг капалаклари озуқа излаб, тут дарахтлари бўлган қўшни ҳудудлар томон бир йилда 5-15 километр ва ундан узоқ масофаларга силжиб бориши кузатилмоқда. Шунингдек, 2000 йил июль-август ойларида ғарбдан шарққа томон эсган шамоллар туфайли тут парвонаси Фарғона вилояти хўжаликларидан қўшни Андижон вилоятига оммавий тарқалиши рўй берди. Шуниси ташвишлики, унинг кўпайиши ҳалиям давом этмоқда.

— Шу кунларда қайси вилоятлар бу муаммога кўпроқ дуч келмоқда?

— Сурхондарё, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари, шунингдек, Тошкент вилоятининг Бекобод, Бўка ва Оққўрғон туманлари, Сирдарё вилоятининг Гулистон ҳамда Боёвут туманлари хўжаликларида зараркунандалар кенг тарқалган.

(Давоми 3-бетда)

2-бет

ЖАЗАВА ОТИГА МИНГАННИНГ ХОЛИС ФИКРЛАШИ ҚИЙИН КЕЧАДИ...

РАИС ЯНГИ БЎЛДИ-Ю...

Бугунги сонда:

4-бет

ЎЗБЕК УНИВЕРСИТЕТЛАРИНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

ХИЛВАТДАГИ ҲИБСХОНА

5-бет

«СОЧИНИНГ САВДОСИ ТУШТИ БОШИМА...»

КЕКСА АВЛОД ИБРАТИ

Бугунги сонда:

6-бет

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БИЗ ОГОҲЛИК ҲАҚИДА КЎП ГАПИРЯПМИЗ ВА ОДАМЛАРНИ ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ ЭТЯПМИЗ. ХЎШ, БИЗ КИМДАН ВА НИМАДАН, ҚАНДАЙ ОГОҲ БЎЛИШИМИЗ КЕРАК?!

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Терроризмнинг инсоният бошига солаётган даҳшатлари, бу иллатнинг илдизи, хавф-хатари, ёвуз хатти-ҳаракатлари, террорчилик ва диний экстремизмга қарши курашиш масалаларига бағишланган мулоқот, «давра суҳбатлари» ва йиғилишлар ХДП ташкилотлари ўтказаётган оммавий-сиёсий тадбирлар орасида катта ўрин тутмоқда.

Яқинда «Терроризм — аср вабоси» мавзуидаги фаоллар йиғилиши **ХДП Қўқон шаҳар кенгашида** ўтказилди. Унда шаҳар прокурори Б.Саидов бу иллатларнинг келиб чиқиши ва оқибатлари ҳақида гапирди. Шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини У.Шомуродов ақидапарастларнинг қилмишларини аниқ мисоллар орқали тасвирлаб берди. Мунозараларда қатнашган ХДП Қўқон шаҳар кенгаши биринчи котиби З.Ҳошимова, шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кенгашининг раиси М.Хўжаева, «Саодат» масжидининг имоми А.Абдумажидовлар ўз сўзларида барча йиғилганларни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этдилар.

Наманган туман партия кенгаши, туман хотин-қизлар кенгаши ва «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорлигида тумандаги 37-ўрта мактаб, «Ижодкор» номли ширкат хўжалиги ва «Ғирвон» қишлоқ фуқаролар йиғинида уюштирилган учрашувлар, **Тўрақўрғон туман партия кенгаши** томонидан Сайрам қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган тадбир «Огоҳлик — давр талаби» мавзуига бағишланди. Шунингдек, **Наманган шаҳар партия кенгаши,** «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Наманган вилоят бўлими ҳамкорликда шаҳардаги барча маҳаллаларда ўтказилган «Терроризм — инсониятнинг ёвуз душмани», деб номланган тадбирларда тинчликнинг қадрига етиш, уни асраш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш, ёвуз кучлар билан ер юзидаги барча давлатлар, инсонлар курашмоқликлари кераклиги таъкидланди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ 11 ЙИЛЛИГИ

Ушбу санага бағишлаб, **ХДП Жиззах вилоят** ва **Бўз туман кенгашларида** партия фаоллари йиғилиши, **Андижон шаҳридаги** «Тожметалл» ҳиссадорлик жамияти, «Жамоа хўжаликлар трести» ва «Стоматология маркази» қошидаги бошланғич партия ташкилотларида «Истиқлол фарзанди» мавзуидаги «давра суҳбат»лари, **Сайхунобод тумани** «Гулистон» ширкат хўжалиги, **Янгиер шаҳар** Марказий шифохонаси, «Бинокор» маҳалласи бошланғич партия ташкилотларида йиғилишлар ўтказилди, **ХДП Сирғали туман кенгаши** бир гуруҳ партия фаолларининг Самарқанд шаҳрига саёҳатини уюштирди, **Пискент, Ғаллаорол, Зомин, Чуст, Чортоқ туман партия кенгашлари** томонидан «бир пиёла чой» устидаги маданий-маърифий тадбирлар ташкил қилинди. Уларда ХДПнинг босиб ўтган йўли, мавқеи ва унинг ривожланишига оид масалалар кенг ўрин тутди. Ўзбекистон ХДПнинг дастурий вазифаларини амалга оширишда ҳар бир партия аъзосининг аниқ иштирок этиши тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбирларда ХДП сафига қабул қилинганларга партия билетлари, унинг ишида фаоллик курсатаётган партия аъзоларига фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

БОШҚА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

ХДП Қоракўл туман кенгаши ташаббуси билан, туман қишлоқ ва сув хўжалиги масъул ходимлари иштирокида, Ўзбекистон ХДПнинг «Экологик дастури» муҳокамаси бўлиб ўтди. Туман партия кенгаши биринчи котиби Ф.Бебутов ХДП ташкилотларининг экологик маданият ва экологик онгни шакллантиришдаги ўрни тўғрисида, туман ҳокимининг ўринбосари М.Фаттуллоев тумандаги мавжуд долзарб экологик муаммолар юзасидан маърузалар билан қатнашдилар. Музокараларда иштирок этганлар атроф-муҳитни яхшилаш, табиатни асраш, ер, сув ва барча бойликлардан оқилона фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Тадбир якунида 5 нафар ХДП сафига ўтган ёшларга партия билетлари топширилди.

Партия Оққўрғон туман кенгаши жамоат ташкилотлари билан якин ҳамкорликни ривожлантиришга интилмоқда. Пахта терими даврида бу айниқса яққол намоён бўлди. Биргаликда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган тадбирлар партия кенгаши ва «Наврўз» жамғармаси туман бўлимининг куч-гайратларини бирлаштириш имконини берди. Бунинг натижасида тумандаги 100 дан ортиқ оилаларга иссиқ кийим-кечаклар тарқатилди.

ХДП Тошкент вилоят кенгашида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, таниқли қўшиқчи шоир Маҳмуд Тоиров билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари мустақиллик куйчиси — шоирни 50 ёши билан қутладилар.

Тадбир ниҳоясида, Ватан, меҳр-оқибат, муҳаббат, меҳнат, тинч ва фаровон ҳаётни, Истиқлолимизни тараннум этувчи шеърлар ўқилди.

ЙИҒИЛИШЛАР, МАЖЛИСЛАР

ХДП Сирдарё, Қашқадарё, Тошкент вилоят, Гулистон шаҳар, Сирдарё туман кенгашлари ижроия бюролари йиғилишларида партия матбуот нашрларига 2003 йил учун обунани ташкил этиш, шаҳар ва туман партия кенгашларининг молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилаш, барча даражадаги сайлов округларида ҳудудий партия тузилмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш каби масалалар кенг ўрин тутди. Йиғилишларда иштирок этган партия фаоллари, шунингдек, ХДПдан сайланган депутатлар демократик ислоҳотларнинг янги босқичида партия ташкилотлари олдида турган вазифалар, партия Экологик дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, мамлакатимизда қонун ҳужжатлари такомиллаштирилишида партия ташкилотларининг иштироки каби муҳим масалалар юзасидан аниқ таклифлар киритдилар. Мажлисларда ХДП дастурий ғояларига мос амалий ишлар қўллаб-қувватланиб, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштиришда партия аъзолари фаоллигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди, жойлардаги партиявий-ташкилий ва мафкуравий ишларни аниқ йўналишда ташкил этиш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.



ХДП ХАБАРИ

ПАРТИЯ САФИДА — ЁШЛАР

Партиямиз сафида йилдан-йилга жамиятимиз равнақи учун амалий жиҳатдан саъй-ҳаракатда бўла оладиган фаолларимиз сони кўпайиб бормоқда. Айниқса, партиямиз дастури, демократик йўлда олиб бораётган интилишларимиз, маслак-мақсадларимизни онгли равишда англаган ёш авлоднинг бизга нисбатан хайрихоҳлиги қувончли ҳол.

Талабалар, турли соҳаларда ишлаётган ёшларимиз билан уюштирилаётган мулоқот, тадбирлар жонли ва қизиқарли тарзда кечмоқда. ЎзХДП ташкил топганлигининг 11 йиллиги муносабати билан 4500 нафар партия аъзосини жипслаштирган Шайхонтоҳур туман кенгаши фаоллари Тошкент ихтисослашган хотин-қизлар коллежида бўлишиб, бошланғич партия сафига кирган ёшларга аъзолик билетини топширишди.

Суратда: ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши иккинчи котиби Бозорбой Ғойипов ҳамда партия кенгаши маслаҳатчиси Саидали Султонов коллеж талабаларига аъзолик билетини топширишмоқда.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

МАВЗУСИ УНУТИЛГАН БАҲСДА ҲАҚИҚАТ НИМА ҚИЛСИН?

Юртбошимиз Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини ўсиб келаётган авлод билан бежиз боғламаяптилар. Ёшлар билимга чанқоқ, янгиликка интилувчан, ўз фикри, нуқтаи назарини билдириш, ҳимоя қилишда ғайрат ва шижоатли. Бир гуруҳ талабаларнинг «Ўзбекистон овози»нинг 19 октябрь сонида эълон қилинган «Машъаламиз ёруғ бўлсин» сарлавҳали мақоласини ўқиб, шундай ёшлар бизда етишиб келаётганидан хурсанд бўлдим. Модомики, ёшларимиз икки сиёсий партия вакилларининг мамлакатимизда кечаётган мураккаб жараёнлар хусусидаги нуқтаи назарига ўз муносабатларини билдиришга журъат қилган эканлар, бундан фақат хурсанд бўлишимиз ва агар улар бирон нотўғри фикрни айтган бўлсалар, уларга буни тушунтиришга ҳаракат қилишимиз керак. Шундай эмасми?

Бироқ, «Адолат» газетасининг 1 ноябрдаги сонида чоп этилган «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши котиби, шу газета бош муҳаррири Тўхтамурод Тошев ва мазкур партия Сиёсий Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ёрдамчиси Низомиддин Нурматовларнинг «Ёшлар ўртасида ўргатувчилар бор..ми?» номли жавоб мақоласини ўқиб, энсам қотди. Чунки, бўлажак журналистларга «Демократия ошкоралик, очиқлик, фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланади. Фуқаролик жамиятига эга аҳолининг сиёсий фаоллиги, ҳар бир масалага нисбатан ўз нуқтаи назарини билдириш, ҳаётда рўй бераётган воқеаларга нисбатан бепарво бўлмаслик хосдир. Жамиятимизда турли фикр-мулоҳазалар билдирилиши керак», деб уқтираётган тажрибали қаламкаш ва сиёсатчилар шу мақоланинг ўзидаёқ, қуйидаги: «Холисона, тўғри, мукаммал, аниқ, мушоҳадали фикрни эса талаба эмас, мутахассислар ёки сиёсий шарҳловчилар бериши мумкин», деган фикр билан, уларни ўз нуқтаи назарини билдириш ҳуқуқидан маҳрум қилмоқчи бўладилар. Нима, мутахассис ва сиёсий шарҳловчилардан ўзгаларга бундай ҳуқуқ берилмаганми? Қизиқ ва ғалати-а?!

Энг қизиғи шундаки, «Ҳақиқат баҳсларда туғилади» шиорини кўтариб чиққан биродарлар ёшларнинг ўз мақолаларида баён этилган бирон фикрига қарши фикр билдирмаганлар... Бунинг иложини тополмаган бўлсалар керак. Чунки, бировнинг фикрига эътироз билдиришинг ёки уни инкор этишинг учун етарли ва ишончли далил-исботинг, пишиқ-пухта муқобил фикр-мулоҳазанг бўлмоғи лозим... Жавоб мақолада эса булар ўрнида шубҳаланишу «қора ишланмалар»да айблашдан бошқа, баҳс мавзусига тааллуқли ҳеч вақо йўқ. Шунинг учун баҳсга даъват этганларнинг бу галги ёзганларини ўқиб, «Нима ҳақида баҳс кетаяпти ўзи?..», — дегинг келади. Мавзуси унутилган баҳсда ҳақиқатни излаб топиш мумкинмикан?!

■ **Носир ТОИРОВ,**
ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши иккинчи котиби

МУЛОҲАЗА МУНОЗАРА МУНОСАБАТ

ЖАЗАВА ОТИГА МИНГАННИНГ ХОЛИС ФИКРЛАШИ ҚИЙИН КЕЧАДИ...

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 17 сентябрь сонида чоп этилган «Фаровонлик калити», кейинчалик, «Адолат»нинг 2002 йил 4 октябрь сонида босилган «Ҳақиқат баҳсларда туғилади» сарлавҳали мақолаларини ўқиб чиқдик. Бизни кўпроқ «адолатчи»ларнинг фикрлари ўйлантириб қўйди. Нега? Чунки, уларнинг ушбу «чиқиши»да самимийликни сезолмадик.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов томонидан илгари сурилган фикрларни «баҳсталаб» дейишликнинг ўзи баҳсталабдир. Назаримда «Фаровонлик калити» анча пишиқ ва мулоҳаза билан ёзилган. Бу жамият тараққиёти асосларини синчиклаб кузатиб борган, илмий ва назарий қарашларни умумлаштирган, мамлакатда демократик тамойиллар қарор топиши учун ҳокимият билан бир қаторда сиёсий партиялар ҳам масъул эканлигини англаб етган партия етакчисининг фикр ва мулоҳазаларидир.

Бу фикрларни рад этишга уринғандан кўра, энг аввало, уларнинг моҳиятини англаб етиш, ривожлантириш, керак бўлса муқобил ғояларни илгари суриш лозим эди.

«Ҳақиқат баҳсларда туғилади» мақоласидаги «Аммо жамиятимиз ҳам, сиёсий рақобат майдони ҳам ҳамиша ёруғ. Унга ким соя ташлаяпти? Уларни бизнинг Конституциямиз ва қонунларимиз ёритиб турибди», — деган жумлалар замирида қандай мақсад ётганлигини ва бу фикрларни изҳор этмоқ учун албатта, баландпарвоз гаплар айтиш шарт эмаслигини, ўйлайлик, муаллифларнинг ўзлари ҳам тушуниб турибдилар. Зотан, инсоният яралибдики, куч қаерда бўлса адолат ҳам ўша томонда тургандай ва бу «адолат» ҳимоячилари бисёрдай туюлаверади.

Яна шу ўринда муаллифларнинг сиёсий партиялар фаоллиги учун «наҳотки бизда ижтимоий-сиёсий муҳит етишмаса?», деган таъкидни, назаримда, Ўзбекистон ХДП МК биринчи котибининг айнан шу масаладаги мулоҳазаларини атайлаб лойқалатишга, гапни чалғитишга уринишдай кўринди. Тўғри-да, бизда ижтимоий-сиёсий муҳит рисоладагидай дейилган билан ҳаётимизнинг айрим жабҳаларидаги ҳолатлар ҳали бу жараён янада такомиллаштиришга муҳтожлигини кўрсатмаяптими?

Ҳақиқатнинг гарданига осилишда маъно йўқ, унинг мағзини чақишимиз, моҳиятини чуқур англашимиз лозим. Абдулҳафиз Жалолов ана шу оғриқли нуқталарга жонкуярлик билан назар ташлаган, долзарб муаммоларни дадил кўтариб чиққан, айни пайтда, ўз партиядошларинигина эмас, бошқаларни ҳам сиёсий фаолликка чорлаган. Энди, худди шу масалага бир гуруҳ ёшлар муносабат билдиргани, яъни, холис фикрларини баён қилганлигига «Адолат» СДП етакчилари нега эътироз билдирмоқдалар, тушуниш қийин.

Уларнинг яқинда «Адолат» газетасининг 1 ноябрь сонида чоп этилган «Ёшлар ўртасида ўргатувчилар бор...ми?» сарлавҳали мақоласида билдирган фикрларини қандай изоҳлаш мумкин? Мақолани ёзганларнинг юксак маънавият, етуклик сари интилаётган ёшларимизнинг келажагига иншончсизлик билан қараётганликларига қандай асос бор?

Хулоса қилиб айтганда, бундай «баҳс-мунозара»ларнинг, бизнингча, республикамиз Президентининг Олий Мажлис IX сессиясидаги маърузасида таъкидланганидек, «юртимизда ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга» хизмат қилиши қийин. Буни яхшилаб, ўзбекчасига айтганда, «дўппини ерга қўйиб» ўйлаб олиш керак.

■ **Абдумутал АБДУЛЛАЕВ, «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари бош муҳаррирининг ўринбосари.**

НЕГА ЁШЛАРГА ИШОНМАЯПСИЗ?

«Адолат» газетасининг 2002 йил 1 ноябрь сонида босилган «Ёшлар ўртасида ўргатувчилар бор...ми?» номли мақолани ўқиб, қуйидаги фикрга келдим.

Менинг нуқтаи назаримда ушбу мақола муаллифлари «демократия нима?», «тоталитар жамият нима?», — деган мавзуда кимлардир сабоқ беришга уринадилар. «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган ёшлар мулоҳазаларида айтилган фикрлардан «эскича қолипдаги гапларнинг», «қора технология»нинг ҳиди келишига шама қилинган. Бу ерда «Ўзбекистон овози» газетасини ҳамон эски қолипдан фойдаланишда айблаган «адолатчилар»нинг ўзларини ҳақиқий демократик матбуот вакиллари сифатида талқин этишларини тушунолмадим. «Адолатчилар» мабодо ҳақиқатан ҳам сўз эркинлигининг байрокдорлари бўлса, буни мақола муаллифлари айтишлари шарт эмас, балки жамиятнинг ўзи тан олиши керак ва улар ҳақиқий демократия шароитида сўз эркинлигини амалда намойиш этишлари зарур. Афсуски, «ҳолва» деган сўзни айтиш билан оғиз чучимайди.

Яна бир фикр: ушбу мақола муаллифлари «эски қолип» билан ижод қилиш усуллари ҳақида гапирмай, «эски қолип»дан чиқиб, янгича фикрлаш йўллари нималардан иборат эканлигини ўз мақолаларида кўрсатиб берсалар яхши бўларди. Мақолани ўқиган ҳар бир киши ундан ёшларга ишончсизлик руҳи анқиб туришини яққол сезади. Муаллифларнинг «холисона, тўғри, мукаммал, аниқ, мушоҳадали фикрни эса талаба эмас, мутахассислар ёки сиёсий шарҳловчилар бериши мумкин», — деган сўзлари бундан далолат беради. Ёшларга нисбатан «ёшсан, пишарсан...» қабилида гапни айтиш мақола муаллифларидек «пишиб етишган» сиёсатчиларнинг фикр доираси ҳам ўзига яраша эканлигидан далолат эмасмикин?

Шахсан мен ҳам ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланаман. Шу нарсага аминманки, нафақат университет талабалари, балки, мактаб ўқувчи-ёшлари ҳам бугунги кунда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг у ёки бу жабҳалари ҳақида теран фикрлар беришининг гувоҳи бўлиб тураман.

Шу нуқтаи назардан, Президентимиз мутлақо ҳақ гапни айтганлар: «Ёшлар бизнинг келажагимиз, биз уларга ишонишимиз керак!».

■ **Момохол ЭГАМБЕРДИЕВА,**
Термиз туманидаги 14-умумий таълим мактаби директори

«Фаровонлик калити» сарлавҳали мусоҳаба ва «Машъаламиз ёруғ бўлсин» номли мақолани қўллаб-қувватловчи мақолалар шунингдек, Наманган Давлат университети профессори М. Хожимуродов, ЎзХДП Янгиер шаҳар ва Сирдарё туман кенгашлари биринчи котиблари С. Каримов, М. Аҳмедов, Гулистон ва Навоий шаҳар партия ташкилотлари етакчилари Қ. Юсупалиев, У. Мусаев, «Қорақалпоғистон хабари» газетаси бош муҳаррири А. Ибодуллаев, Қарши шаҳар «Чақар» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Н. Мустафоқулова, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси А. Ибодинов, «Амударё ҳақиқати» газетаси таҳририяти бўлим мудири С. Хўжаниёзов, Қарши шаҳар ҳокимлиги халқ таълими бўлими давлат таълим стандартлари эксперти Р. Асадова ва бошқалардан ҳам келган.

ТАҲРИРИЯТ

РАИС ЯНГИ БЎЛДИ-Ю...

ҳўжалик қаддини тиклади. Аммо, аламзада «ёз-ёз»лар, текшир-текширлар бошланди

Узун туманидаги Қорабой Алиев номли ширкат хўжалиги бир пайтлар вилоятда ҳам илғор жамоалардан саналарди. Барча соҳаларда режалар ортиғи билан уддаланарди....

1999-2000 йилларга келиб ширкат «тўсатдан» санацияга тушиб қолди. Сабаблари ўрганилди: раҳбарларнинг иш кўзини билмаслиги, қўшиб ёзишлар, талон-торожлик каби қусурлар ошкор бўлди.

Санация муддати тугади. 2001 йил хўжаликка тажрибали қишлоқ хўжалиги раҳбари Эшдавлат Сафаров бошқарув раиси этиб сайланди.

— ...Халқимиз меҳнаткаш, — сўз бошлади раис. — Уста пахтакор, миришкор, деҳқону соҳибкорлар истаганча бор: ҳосилни кўз қирини бир ташлашдаёқ чамалайди. Имконият, шароит яратиб берсангиз, бас... Ер «тили»ни тушунади, улар.

Гап келиб қолди, баъзи мулоҳазаларимни очиқ айтай: ширкатнинг олдинги мутасаддилари айби билан хўжалик бундан 2-3 йил олдин қолоқлик ботқоғига ботди. Талон-торожлик ва қўшиб ёзиш оқибатлари аҳоли гарданига тушди. Мавжуд техника воситалари асоссиз сотиб юборилди. 2000 йилда давлатга пахта сотиш режаси 63, ғалла — 35 фоизда қолиб кетди. Бошқа соҳаларда ҳам бундан баттар ҳол юз берди. Одамлар даромадига яраша фойда ололмади...

— Хўжаликни қолоқликдан олиб чиқиш учун ширкат аъзолари ўтган йилнинг апрель ойида янги раис сайлашди, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ашур Ҳасанов. — Бир йилдаёқ кўзланган мақсадга эришилди: давлатга пахта сотиш режаси 121,6 фоиз уддаланди. Ғалла тайёрлаш — 218 фоизга ўсди. 2 минг 400 тонна беда, 473 тонна мева, 417 тонна узум ишлаб чиқарилди. Йил якунида даромад 318 миллион сўм бўлди...

— Ростини айтсам, бу ютуқлар баъзиларга ёқмай қолди, — суҳбатга қўшилди бош ҳисобчи Равшан Холматов. — Қарийиб бир йилдирки «ёз-ёз», текшир-текшир... Кунда-кунора ҳужжат ҳафталаб текширишди...

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шамсиддин Ориповнинг шу йил 5 май куни вилоят ҳокимига йўллаган 736-сонли жавоб хатидан кўчирма келтирамиз: **«...Узун туман Қ.Алиев номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Эшдавлат Сафаровни ўз вазифасини суиистеъмол қилиб, эски совет тизимини тиклаб, саводсиз ходимларни ишга олиб, ёш, олий маълумотли мутахассисларни ишдан бўшатганлиги, пудратчилар билан тузилган шартномаларни ўзбошимчалик билан бузганлиги, ширкат аъзоларининг ойлик маошлари ўз вақтида тўланмаганлиги ҳақида олтита шикоят ариза мутахассислар ва шикоятчилар иштирокида текширилганда ўз исботини топмади...»**

— ...Апрель ойига қадар туман ва вилоят ҳокимига, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа нуфузли идораларга кўплаб шикоятлар ёздик, — дея рўйрост тан олди хўжалик аъзоси, шикоятчилардан бири Алишер Қурбонов. — Текширувчилар роса ўрганишди... Энди билсак, ҳамма қилғиликни собиқ раҳбарлар қилиб, (бизни чархлаб!) жабрини бугунгилари тортишаётган экан...

2000 йилнинг октябрида 10 киши хўжаликнинг 1-бригадасига қарашли ердан 20 гектар жой олиб, пудрат асосида буғдой эккандик. Шартнома бўйича биз ҳар гектар майдондан 30 центнердан буғдой топширишимиз шарт эди. Ҳосил йиғимтерими даврида эса янги раҳбарлар 39 центнердан ҳосил беришимиз кераклигини айтишди. Шартномада шундай белгиланган экан. Кейин биз бундан шубҳаландик ва аризабозлик қилдик: ахир қўлимиздаги шартномада 30 центнер бўлса-ю, идорадаги ҳужжатда 39 центнер бўлса?. Маълум бўлдики, «иш»га оламушук олдинроқ дидан хат олдик, — давом этди бош ҳисобчи Р.Холматов. — Унда ёзилишича, ўн нафар ижарачининг ҳар бирига жарима тўлашимиз керак экан. Бошқарув йиғилишининг қарори ва даъвогарларнинг розилиги билан июль ойида уларга 10 тоннаю 800 килограмм буғдой берилди. Тўғри, ижарачилар ҳақ... Аммо, собиқ раҳбарларнинг кўзбўямачилиги учун биз товон тўладик, емаган сомсага пул тўласангиз, ҳаммагаям алам қиларкан-да!

— Баъзан ноўрин ёзишлару, текширувлардан асаблар таранглашади, — дейди бошқарув раиси Эшдавлат Сафаров. — Ишни буткул ташлаб, тоғу тошларга кетгим келади. Беш-ўнта қўй боқсам ҳам тирикчилигим ўтар, деб ўйлайман. Аммо, шу эл, шу юрт сайлаб қўйгач, унга хизмат қилмаслик номардлик бўлади... Кўриб турибсиз, хўжалик қаддини энди тиклай бошлади. Ўтган қисқа фурсат ичида олти дона янги техника сотиб олдик. Уч миллион сўмга хўжалик клуби таъмирланди. Меҳмонхона ва маъмурий идоранинг янги бинолари ҳам йил охиригача фойдаланишга топширилади... Энг муҳими, одамларнинг қўли пул кўрди. Ойлик маошлари тобора ортиб, вақтида ола бошлашди...

Раиснинг сўзларини йил якунлари битилаётган маълумотлар билан солиштирдик: хўжаликда 2002 йил ғалла режаси ортиғи билан уддаланиб, 140 миллион сўм даромад олинди. Пахтадан 500 миллион сўм фойда олиш режалаштирилган. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари бўйича йил 700 миллион сўм фойда билан якунланиши пухта ҳисоб-китоб қилинган. Кўрилажак соф фойдадан аҳолининг манфаатли бўлиши, ижтимоий муҳофаза кучайиши, қурилиш-ободончилик ишлари авж олиши, хўжаликнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиши — ҳаммаҳаммаси кўзда тутилган.

Хўш, хайру баракаси йўқ аламзада «ёз-ёз»лару ортиқча текшир-текширларга не ҳожат? Ўзинг раҳбар бўлган пайтингда хўжаликни вайрон қилиб, қулоғигача қарзга ботирган, жамоани норози қилиб, қўлини ишдан совутган бўлсанг, энди нимага тинч ўтиролмаяпсан? Ўзингдан ақлли, тадбиркор раҳбарга нега тан бергинг келмаяпти? Тан бериш — бу мардлик-ку...

Янги раҳбарнинг ютуқларини кўролмай, одамларни гиж-гижлаб, аризабозлик қилаётган собиқ раҳбарларга ана шу саволларни бергинг келади, киши.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТУТ ПАРВОНАСИ – МАЙДА КУШАНДА. БИРОҚ УНИНГ ЗАРАРИ...

РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДА ҲИСОБЛАГАНДА МИЛЛИОН-МИЛЛИОН СЎМЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА. ХЎШ, БУ ОФАТГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШИШ МУМКИН? ҚАНДАЙ ТАЖРИБАЛАР ТЎПЛАНГАН, МУАММОЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу ўринда уларга қарши кураш жойларда қандай амалга оширилмоқда, деган савол туғилиши табиий. Вилоятлардаги мухбирларимиз жўнатган хабарларга назар ташласак.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ (Сурхондарё):

«Воҳада 2479 гектар тут майдонлари ва 10 млн. 189 минг баланд танали (йўл четлари, ариқ-зовур бўйларидаги) тут дарахтлари мавжуд, — дейди «Сурхондарё пилла» акциядорлик бирлашмаси раиси Бегали Кенжаев. — Тут парвонаси тутзорларни ақл бовар қилмас даражада еб битирадиган ва бунинг натижасида тут новдалари ўсишдан тўхтаб, кейинги йил барг ҳосилининг камайишига олиб келадиган офатдир.

Бу офат воҳамизда 1993 йилдан буён қайд этилмоқда. Ўшандан бери унга қарши кураш олиб борилмоқда. 2001 йилда ҳукуматимиз томонидан касалликка қарши кураш учун вилоятимизга 147 млн. сўм ажратилди. Бу йил эса 182 млн. сўмдан зиёд. Натижада 2171,6 гектар тут плантациялари ва 5 млн. 844 минг туп баланд танали тут дарахтларига кимёвий ишлов берилди. Аммо воҳадаги деярли барча тутлар ушбу касаллик билан зарарланган. Шуниси ачинарлики, кейинги 4-5 йилда мазкур кушанда оқибатида ва бошқа турли сабабларга кўра 250 гектарга яқин тут плантациялари ҳамда 3 млн. 800 минг тупдан зиёд баланд танали тутлар камайиб кетган. Шундай бўлишига қарамай вилоятда пилла етиштиришда оқсаш бўлаётгани йўқ. Масалан, бу йил 1 минг 19 тонна пилла етиштирилиб, шартномавий режа республикада биринчи бўлиб бажарилди. Аммо ўртача ҳосилдорлик йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Тут парвонаси туфайли кўпгина хўжаликларда мавсум пайтида тут баргининг етишмовчилиги сезилди. Энг ёмони пилланинг сифатига ҳам таъсир ўтказмоқда. Тўғрироғи, пилла қобиғи юпқалашиб бормоқда.

Жарқўрғон, Ангор, Термиз, Шўрчи ва Денов туманларида бу касаллик эпидемия ҳолатида кечмоқда. Шуни айтиш жоизки, тут парвонаси — катта офат. Бу офатнинг иқтисодий зарарини вилоятда ҳали ҳеч ким аниқ ҳисоб-китоб қилмаган бўлса-да, унга қарши кураш учун сарфланаётган маблағ ва ишчи кучи харажатини ҳисоблаганда жуда катта маблағ — бир неча юз миллионлаб сўм сарфланаётгани фактдир».

Алишер ИБОДИНОВ (Фарғона):

«Бундан 5-6 йил илгари вилоят қишлоқларида ёзда йўл ёқалари ва далалардаги тутзорлар сарғайгани ва барглари илматешик бўлганини кўриб ҳайрон қолардик. Бу тут парвонасининг қилмиши эканлигини кўпчилик билмасди.

Ҳудудда 23 миллион тупдан ортиқ вояга етган тутлар мавжуд. Шундан 20 миллиони касалликдан зарарланган. 1056 гектар тут плантацияларининг 600 гектарида ҳам унинг ҳуружи авжида. Натижада тутларнинг барг бериш ҳолати ўтган йилдагига нисбатан ёмонлашди. Новдалар яхши ривожланмади. Бу эса табиийки, келгуси йил пилла етиштириш жараёнида албатта, катта қийинчиликлар туғдиради.

«Пилла» ҳиссадорлик бирлашмасидан берилган маълумотларга кўра, шу кунгача 9 млн. туп тут дарахтига кимёвий ишлов берилган. Бу эса зарарланган тутларнинг 60 фоизини ташкил этади холос, Адонис, моспилан, дельтафос сингари кимёвий препаратлардан 12845 килограмми сарфланган. Лекин бу касаллик умуман бартараф этилди, келгуси йилги зарарнинг олди олинди, деган хулосани чиқаришга имкон бермайди. Нега?

— Август ойининг иккинчи ярмида вилоят пахтазорларида ўргимчаккана ва кўсак қурти кўпайиши хавфи туғилгач, барча «ОВХ» агрегатлари ва қўлда ишлатиладиган аппаратлар уларга қарши курашга сафарбар этилди, — дейди вилоят башорат ва биоусул лабораторияси мудири С. Худойберганов. — Натижада тут парвонасини бартараф этиш учун техника танқислиги юзага келди ва шундан сўнг тутларнинг зарар кўриши жиддийлашди. Албатта, бунга фақат техника камлиги/рўкач бўлолмайди. Йўллар бўйидаги тутларга ишлов бериб, пайкаллардаги тутларнинг қолиб кетиши ва дори тайёрлашдаги қоида бузилишлар каби камчиликлар ҳам йўқ эмас.

— Тут парвонасига қарши нафақат кимёвий воситалар, балки агротехник, биологик ва механик усуллар ҳам қўлланилади, — дейди вилоят «Пилла» ҳиссадорлик бирлашмаси бош агрономи Т. Топилов. — Масалан, шу кунларда тут парвонасининг катта ёшдаги қуртлари қишлаш учун тут дарахти танасидан «жой» топиш мақсадида пастга қараб туша бошлайди. **Агар ҳозир тут танасининг пастки қисмига бирор-бир материалдан «белбоғ» боғланса, қурт қишлаш учун шу «белбоғ» оралариға кириб олади. Баҳорда эса бу «белбоғ»лар ечиб олиниб, ёқиб юборилади.** Ушбу тадбирни шу кунлардан бошлаш лозим. Акс ҳолда оқибатини тасаввур қилиш қийин эмас».

Аҳмадулло СОЛИЕВ (Андижон):

«Тут парвонаси 1998 йилда Фарғона вилоятининг Ёзёвон, Қува туманларидан вилоятимизнинг Улуғнор, Асака туманлари ҳудудига ўтди. Унинг кенг тарқалмаслиги учун чоралар кўрдик. Лекин у офат мисол Шаҳрихон, Марҳамат, Балиқчи туманларига ҳам тарқалди. Барқ уриб ўсаётган тут барглари қовжираб қолди. Қўрғонтепа, Жалақудуқ, Пахтаобод, Хўжаобод туманларида бошқа жойларга нисбатан тут парвонаси кўпаймаслигининг олди олинди, — дейди вилоят «Пилла» акциядорлик бирлашмасининг бош аграноми Абдумалик Абдуллаев. — Ҳаракат қилганнинг иши юришади. Вилоятда 7 млн. 625 минг 500 туп баланд танали тут, 2540 гектар тут плантацияси мавжуд. Касалликка қарши 236 та «ОВХ», «ОПВ» тракторлари ва 197 та қўл аппарати ёрдамида кимёвий препаратлар билан ҳозирги кунда ишлов бериляпти. Похол ва қоп матоларидан белбоғлар боғлаб чиқилмоқда. Айниқса, Пахтаобод, Бўз, Шаҳрихон, Олтинкўл, Марҳамат туманларида иш яхши ташкил этилмоқда. Тутзор оралари ҳайдалиб, суғориляпти. Тут хазонлари, қуриган шохлари, пўстлоқлари тўплаб ёқиляпти. Ҳаракатларимиз зое кетмаяпти. Буни шу йил 2890 тонна Андижон пилласи тайёрланганидан ҳам билса бўлади.

— Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш институти томонидан тажриба учун жўнатилган феромон тутқичлари ҳам яхши натижа бермоқда, — дея сўзга қўшилади башорат ва биоусул лабораторияси бош мутахассиси Шокиржон Қосимов. — Олтинкўл туманидаги Ф. Қўчқоров номли, «Намуна» ширкат хўжаликларидаги тутларга қўйилган ҳар бир феромон тутқичга бир кунда 38-45 тагача тут парвонаси капалаги тушгани кузатилди.

Вилоятда бу офатга қарши кураш қиш чилласидаям олиб борилади. Тут дарахтлари сув билан ювиб, таналарида муз ҳосил қилинади. Бу эса қишлаётган қуртлар нобуд бўлишига замин яратади.



Маҳмуджон ПАРПИЕВ (Наманган):

«Тут парвонасининг илк кўринишлари вилоятда бундан 4 йил муқаддам қўшни Тожикистоннинг Хўжанд вилоятига туташ Поп туманидаги Беруний номли, Мингбулоқ туманининг Фарғонага туташ «Хоразм» ширкат хўжаликлари ҳудудидаги тутзорларда кўзга ташланди. Бугунги кунда эса вилоятнинг деярли барча туманларига тарқалган.

Жуда хунук ва ташвишли манзара: йўл бўйларидаги, аввалари новдалари кунига 5 сантиметргача ўсиб, шапалоқдек-шапалоқдек барглари кўзни қувонтирадиган тутларга қараш қўрқинчли. Худди заҳарли дори сепилгандек қовжираган, новдалари ивилдирик.

Вилоят бўйича 9 миллионга яқин баланд танали, 2484,4 гектар тут плантациялари бор. Пиллачиликнинг ягона озуқаси бўлган тутзорлардаги иллатни бартараф этиш осон кечмаяпти.

Вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмаси раисининг ўринбосари, бевосита шу муаммо устида ишлаётган Дилмурод Қодиров вазият ҳақида бундай деди:

— 5 миллион туп баланд танали тутлар ва 241,5 гектар тут плантациялари зарарланган. Уларга қарши моспилан, адонис, каратэ сингари кимёвий воситалардан фойдаланиб, 2 мартадан ишлов бердик. Ҳар ҳолда новдаларни келгуси йилда барг берадиган ҳолга келтириб олдик.

Бироқ вазият оғирлигича қолмоқда. Офат тобора кўпроқ ҳудудларни эгаллаб бормоқда. Чунончи, вилоятнинг шимол тарафидаги Косонсой, Чортоқ, Янгиқўрғон туманларининг тоққа туташ ҳудудларида аввалги йили, ҳатто баҳор ва ёзда ҳам парвона йўқ эди. Ҳозир эса кўп.

Яна бир кузатиш: август ойида баланд танали тутларнинг катта йўл ёқаларидаги йўл тарафи бир муддат ям-яшил турди. Боиси, «ОВХ» тракторлари ёрдамида уларга йўл томондан ишлов берилганди. Пахтазор ёки умуман, экинзорга туташ томонидан ишлов берилмади. Экинни пайхон қилишга кўз қиймади. Натижада ишлов самарасиз бўлди.

Очиғи, вилоятда кимёвий воситаларни вақтида, самарали ишлатишга етарли имконият йўқ. Негаки, дори пуркагич техника кам. Масалан, зараркунанданинг авж палласида вилоят бўйича атиги 62 та «ОВХ» трактори ишлади, холос. Уларнинг аксарияти бир кун ишласа, иккинчи куни таъмирга тўхтади. Яна бир муаммо шу бўлдики, роса офат кучайган пайтда пахтага ўргимчаккана тушди. Табиийки, техникани пахта учун олиб кўйишди.

Олимлар офатга қарши механик ва кимёвий усулларни тавсия қилишган. Аммо ишлов...

Тутлар атрофини эскирган шох-шаббалардан тозалаш, ўғитлаш, суғориш, бир сўз билан айтганда дарахтга қувват бериш бевосита хўжаликларнинг ўзи амалга оширадиган иш. Таассуфки, бу ишлар ҳам тўла-тўкис адо этилмаяпти.

Вилоятда келгуси йили 45 минг қути атрофида ипак қурти парвариш қилинади. Агар бугун тут зараркунандасига қарши жиддий курашилмаса, эртага барг топиш муаммоси кўндаланг бўлади».

«Ўзбек ипаги», унинг «Пилла холдинг» компанияси ва «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компаниясининг вилоятлардаги «Қишлоқхўжаликкимё» ва «Пилла» бирлашмалари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, уларнинг туманлардаги ташкилотлари ва хўжаликлар тут парвонасига қарши курашни янада кучайтиришлари зарурга ўхшайди.

Вилоят мухбирларининг хабарларидан кўриниб турибдики, жойларда Офат мўр-малахдек янги-янги ҳудудларни ишғол этмоқда. Бунинг сабаби нимада?

СЎЗ МУТАХАССИСГА:

— Бу зараркунанда келтираётган зарарни тўлиқ бартараф қилиш учун унга қарши энг камида 3 маротаба кимёвий ишлов берилиши керак. Аммо кимёвий ишловлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўтказилишини, бу маблағларни тежаб ишлатиш лозимлиги, шунингдек, ишловларни тўлиқ ўтказиш учун моддий техника базаси етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда бир марта атрофида кимёвий ишловлар ўтказилмоқда, — дейди «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компанияси мутахассис О. Исоқов. — Республика бўйича жами 89,0 млн. дона баланд танали тутлар ва 16,7 минг гектар тут плантациялари текшириб чиқилди ва 47,8 млн. дона катта тутлар ва 7,8 минг гектар тут плантациялари тут парвонаси билан зарарланганлиги аниқланди. Натижада 38,3 млн. дона катта тут ва 5,0 минг гектар тут плантацияларида кимёвий ишловлар ўтказилди, яъни дельтафос, каратэ, моспилан, адонис ва бошқа инсектицидлар, жами 50 тоннадан кўпроқ кимёвий препаратлар қўлланилди. Бу ишга республика бўйича 344 та «ОВХ» ва боғ трактор пуркагичлари, шунингдек, 304 та «К-45» русумидаги моторли осма қўл пуркагичлари жалб қилинди.

— Мухбирларимизнинг хабар беришларича, бу курашда муаммолар талайгина экан.

— Ҳа, афсуски, муаммолар йўқ эмас. Жойларда кимёвий ишловларни ўтказиш учун зарур бўлган «ОПВ-1200» русумли тиркама боғ пуркагичларининг деярли қолмаганлиги, мавжуд «ОВХ-28» ва «ОВХ-600» русумли пуркагичларнинг асосий қисми эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги бор гап. Бюджет ҳисобидан офатга қарши кураш вазифаси юклатилган Фарғона, Андижон, Наманган ва Сирдарё вилоятлари башорат ва биоусул лабораторияларида ушбу иш ҳажмини бажариш учун трактор ва пуркагичлар деярли йўқ ҳисоби. Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги чигирткага қарши кураш экспедициялари (тут парвонасига қарши курашга ҳам улар масъул — *А. С.*) ҳисобида эса мавжуд 10-12 та трактор ва пуркагичлар билан боришуғи 4-5 фоиз ишловларни бажариш имконияти мавжуд холос. Шу туфайли кўп жойларда хўжаликлар ихтиёридаги техникалар жалб қилинмоқда, уларга кимёвий препаратлар тақсимлаб берилмоқда.

Ўрни келганда айтиб ўтай, Фарғона, Андижон, Наманган ва Сирдарё вилоятларида махсус экспедициялар тузилиши, уларнинг моддий техника базаси яратилиши ва тут дарахти кушандаларига қарши курашни керакли тарзда ташкил этиш учун техника билан таъминланиши зарур.

Бу йил юқорида номлари зикр этилган вилоятларда кўсак қурти кўп бўлганлиги натижасида мавжуд «ОВХ» пуркагичлари асосан ғўзага ишлов беришда, кейинроқ эса дефолиацияда банд бўлганлиги сабабли айрим хўжалик раҳбарлари тут парвонасига унча эътибор бермай қўйдилар. Шунинг учун жойларда тут парвонасининг 4-5 авлоди бемалол яшаб, тутларга жиддий зиён етказишига йўл қўйилди.

— Бу муаммога эътиборсиз қараган масъул ходимларга қандай чоралар кўрилмоқда?

— Вилоятлардаги «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмалари биринчи ўринбосарлари ҳамда башорат ва биоусул лаборатория мудирлари: А. Позилов ва Р. Худойберганов (Фарғона), М. Умаров ва Ш. Қосимов (Андижон), Н. Абдураҳмонов ва Д. Қодиров (Наманган)лардан тушунтириш хатлари олинди. Кимёвий ишловларга совуққонлик билан қараганлиги учун Фарғона вилояти бирлашмасининг Ўзбекистон ва Қува туманлари филиаллари мудир ўринбосарлари ўз вазифаларидан бўшатилди. Учкўприк, Данғара ва Бағдод туманлари мудир ўринбосарларига қаттиқ хайфсан берилди.

Андижон вилояти бўйича гапирадиган бўлсак, Улуғнор (А. Йўлдошев) ва Балиқчи (Ш. Сатторов) туманлари мудир ўринбосарлари ҳам ишдан озод қилинган. Бўз туман мудир ўринбосари (А. Жўраев) эса огоҳлантирилган.

Наманган вилояти Норин тумани мудири (О. Норматов), Чуст тумани кузатув пункти мудири (А. Ҳалилов), шунингдек, Поп туманидаги «Машъал» (М. Ибрагимова), Чуст туманидаги «Машъал» (Б. Файзиев) хўжаликлари раҳбарлари ҳамда Тўрақўрғон туманидаги «Наврўз» хўжалиги агроном-энтомологи (У. Аҳмедов) ҳам вазифасидан четлатилди.

Қисқаси, бепарволикка йўл қўйган «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмаларининг бир қатор туман филиаллари мудирлари ўринбосарлари камчиликлар тақрорланса ўз вазифаларидан озод қилиниши ҳақида огоҳлантирилган.

Дарҳақиқат, тут зараркунандаларига қарши кураш олиб бориляпти. Шу йил 24 июль куни Наманган шаҳрида тут парвонасига қарши кураш ишларини ташкиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан «Пилла холдинг» компанияси раисининг биринчи ўринбосари Э. Дўстов ва «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компанияси мутахассиси О. Исоқов бошчилигида минтақавий семинар-кенгаш ўтказилди. Унда Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмалари раисларининг биринчи ўринбосарлари, башорат ва биоусул лабораториялари мудирлари ҳамда тут парвонасига қарши кураш гуруҳлари бошлиқлари қатнашдилар. Мажлисда вилоятлардаги мавжуд хато ва камчиликлар кўрсатиб ўтилди, тегишли тавсияномалар тайёрланди ва барча вилоят туманларига етказилди. Афсуски, жойларда бундан тўғри хулоса чиқариш анча қийин кечмоқда. Натижада зарар ҳажми ортгандан ортиб бормоқда. Шу ўринда бу йил тут парвонасининг «каромати»дан пилласозлик соҳаси қанча зарар кўрди экан, деган савол туғилиши табиий.

— Зарар 903 млн. сўмни ташкил этмоқда, — дейди «Ўзбек ипаги» уюшмаси «Пилла-холдинг» компанияси агротехника бўлими бошлиғи Абдуқаҳҳор Ёвқочдиев. — Негаки, «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компанияси ва унинг жойлардаги бирлашмалари ҳамда хўжалик раҳбарлари томонидан зарарланган барча тутларга етарли даражада ишлов берилмади. Бундан ташқари, уч марта ишлов бериш учун каратэ, моспилан, адонис, дельтафос сингари кимёвий препаратларни етарли ажратилиши лозим.

Бироқ шуниси ачинарлики, қўшни Қирғизистон ва Тожикистон республикаларида тут парвонасига қарши кураш амалга оширилмаётгани боис чегара ҳудудларидаги ишлов берилган тутларга кушанданинг янги авлодлари яна янгидан тарқалмоқда.

Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти олимлари кушандага қарши кураш ва унинг олдини олишда ташкилий-хўжалик тадбирлари, агротехник, биологик, кимёвий ва механик кураш усулларига алоҳида эътибор берилишини таъкидладилар.

СЎЗ ЯНА МУТАХАССИСГА:

Курашни тўғри ва ўз пайтида ташкил этиш учун ҳашаротнинг ривожланишини назорат қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса кузатувчиларни тайёрлаш ва уларнинг ишларини ташкил этишни талаб этади.

ТАВСИЯЛАР

Агротехник кураш усули. Тут дарахти қатор ораларини ҳайдаш, суғориш, айниқса, яхоб суви бериш, ўз муддатида озиқлантириш ва бошқа тадбирлар дарахтларнинг тут парвонасига чидамлилигини оширади ва зараркунанда учун ноқулай шароит вужудга келтиради.

Биологик кураш усули. Тут парвонаси минтақада янги ҳашарот бўлганлиги боис унинг табиий кушандаси ҳали аниқланганича йўқ. Аммо олтинкўз, набис қандаласи, арилар ҳамда айрим қушларнинг аҳамияти каттадир. Бундан ташқари биолабораторияларда кўпайтириладиган бракон кушандасидан оқилона фойдаланса бўлади. Бунинг учун парвонанинг иккинчи авлодидан бошлаб, етилган браконни 1:5 ва 1:10 нисбатда тутзорларга ҳар авлодига қарши 2-3 марта қўйиб туриш зараркунанда сонини 55-65 фоизга озайтириши мумкин.

Механик кураш усули. Дарахт танасига июнь ойидан бошлаб эски қоп ва материаллардан «белбоғ» боғлаш яхши самара беради. Айниқса, хавфсизлик техникасига риоя қилган ҳолда «белбоғ»ни биронта инсектицид эритмасига ботириб олинса айни муддао бўлади. Негаки, парвона ғумбакка айланиш мақсадида пана жой қидиради. Шунда мазкур «белбоғ» унга мос жой бўлиб хизмат қилади. Мабодо, дори бўлмаса дорисиз «белбоғ»ларни ҳар ҳафтада кўздан кечириб туриш лозим ва ғумбаклар йиғилиб қолган бўлса, уларни ёндириб юбориш даркор.

Пиллакорларимиз шуни унутмасликлари керакки, баҳорда ипак қурти боқаётганда тут шохларини қолдирмай кесиб олишлари яхши самара беради. Акс ҳолда кесилмай қолган шох зараркунанданинг кейинги авлоди кўпайиши учун маскан вазифасини ўтайди.

Кимёвий кураш усули. 1 ва 3 ёшли қуртларга қарши «Децис», «Цимбуш», «Суми-альфа», «Бульдок», «Данитол», «Калипсо», «Талстар», «Каратэ», «Фьюри», «Аваунт» сингари, 4-6 ёшли қуртларга қарши эса «Нурелл-Д», «Карбофос», «Метафос», «Би-58», «Дурсбан», «Моспилан», «Адонис», «Фозалон», «Дельтафос» сингари инсектицидлардан фойдаланиш яхши самара беради.

Шуни унутмаслик керакки, ипак қуртини боқиб бўлишга қадар тутга инсектицидларни сепиш маън этилади.

Биринчи ишлов тут новдалари кесиб олингач (май ойининг охири ва июннинг биринчи ўн кунлиги) ўтказилгани маъқул.

Иккинчи ишлов июль ойида, зараркунанданинг 3-4 авлодларига қарши ўтказилиши ва **учинчи ишлов** сентябрь-октябрь ойларида, қишловга тайёргарлик кўраётган тут парвонасининг популяцияларига қарши ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Кеч кузда ўтказиладиган кимёвий ишловларнинг бу йилги тут барглари учун унча аҳамияти бўлмаса-да, лекин парвона зичлигини камайтиради. Бундан ташқари қолган қуртларнинг аксарияти заҳарланиб, қиш мобайнида ўлиб кетади.

Мазкур усуллардан ўз вақтида ва самарали фойдаланиш республикамизда тут парвонасининг тарқалишини ва у келтирадиган зарарнинг олдини олиш имконини беради.

Яна бир гап. Мутахассисларнинг айтишича, бу йил тут парвонасининг феромон тузоқлари Молдова Республикасидан олиб келинди ва Андижон вилоятида ўтказилган дастлабки синовларда ижобий натижаларга эришилди. Наманган вилоятида эса микробиологик препаратлар ишлаб чиқариш синовлари ўтказилмоқда. Биологик кураш усулини ўрганиш бўйича ҳам ишлар бошлаб юборилди. Буларнинг барчаси тут парвонаси муаммосидан қутулиш йўлида қилинаётган ва қилинадиган ишлардир.

■ Мутахассислар шарҳи ва журналистлар хабарларини «Ўзбекистон овози» мухбири Алимқул СУЛТОНОВ умумлаштирди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ўзбекистон ипаги ҳақида гап кетганда авваломбор гўзал аёлларимиз ҳуснига-ҳусн қўшадиган чиройли, ял-ял товланувчи миллий атласларимиз кўз ўнгимизга келади. Ундан тикилган либосларни ҳар бир ўзбек қизи фахр билан кияди. Шойи газламаларимизнинг эса баҳоси йўқ. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ипагини дунёга кўз-кўз қилади.

Ипакчилик ривожи эса бевосита тутзорларга ва барглар сифатига боғлиқ. Демак, туғ парвонасига қарши жиддий кураш олиб борилиши талаб этилмоқда. Вилоятлар ва туманлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, «Пилла» бирлашмалари ва жамиятлари, хўжаликлар ва деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда мутахассислар бу кушанданинг уруғини қуритиш ҳақида ҳамкорликда ҳаракат қилишмаса ипакчилигимиз анча зиён кўриши мумкин.

Биз бу муаммо бўйича бир гуруҳ мутахассислар фикр-мулоҳазаларини эълон қилдик. Бошқа мутахассислар нима дейди? Газетхонларчи?

МУНОЗАРА, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

ЎЗБЕК УНИВЕРСИТЕТЛАРИНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Илмий изланишлар шуни кўрсатадики, Ўрта Осиё жумладан, Ўзбекистон қадимқадимдан инсониятнинг маърифат ва маданият ўчоқларидан бири сифатида маълум ва машҳур бўлган. Бу ерда жаҳон маданиятининг шоҳ асарларини бунёдга келтирган ўнлаб буюк цивилизациялар шаклланган.

Президентимизнинг ташаббуси билан мустақиллик йилларида тарихимизни янгича қарашлар ва миллий мафкурамиз ўлчовлари нуқтаи назаридан ўрганиш бошланди.

Ўзбек халқи ва ўзбек давлатчилиги кўп минг йиллик тарихининг барча қирралари дадил очиб берилмоқда. Шўро даврида ўзбек халқининг тарихини сохталаштириш ва камситиш ҳоллари юз бергани очиқ-ойдин айтилиб, халқимизнинг буюк ўтмиши, маданияти, миллий руҳи ва маънавиятига хос қомусий тарих китоблари яратиш вазифаси қўйилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек **«Ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшаш»** мустақил Ватанимиз ҳар бир фуқаросининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб қолди.

Миллий тарихимизни тўғри ўрганишни бошлаган эканмиз, энди ҳар бир соҳанинг, жумладан, олий таълим тарихини ҳам янгича нуқтаи назардан тадқиқ этмоғимиз лозим. Ўзбек университетлари тарихини 1917 йилдан кейинги даврга боғлаш, ўзбек халқининг шаклланиши даври деб XI асрни белгилаш сохта ва ғайримантиқийдир. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари олий таълими ва Европадаги университетлар тарихига бир назар солинса, улар ҳам маълум бир тарихий даврда қироллар ёки машҳур зодагонлар асос солган ўқув юртлари сифатида ўз фаолиятини бошлаганлиги ва ўша ўлкалардаги ижтимоий ўзгаришлар: инқилоб ва истиқлолдан қатъи назар ҳозирги машҳур университетларнинг тамал тошларини қўйиб берган таълим масканлари ҳисобланиши маълум бўлади. Масалан, Кембриж университетининг тарихи 1209 йилга бориб тақалади. Ўша йили Оксфордда ўқиётган бир гуруҳ талабалар ва олимлар Кембрижга кўчиб ўтиб, ўз жамиятларини тузишади ва бу жамият университет даражасига қадар тараққий қилади. Қайд этиб ўтиш керакки, мазкур кўчиб келган талаба ва ходимларнинг аксарияти диний арбоблар ҳамда черков ходимлари бўлишган. Бу ўқув даргоҳи аста-секин ўзининг диний қобиғидан ажралиб, дунёвий фанларни ўрганиш ва ўргатиш марказларига айлана борган. Шарқда, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудларидаги олий мактаблар, мадрасалар ва мадрасаи олияларга назар солсак ҳам худди шундай манзарага дуч келамиз. Бу хусусда таниқли олим, академик Б.Валихўжаев махсус тадқиқот олиб бориб «Самарқандда олий таълим — мадрасайи олия — Университет тарихидан лавҳалар» номли монографияни майдонга келтирди. Ушбу ажойиб тадқиқотда биз юқорида қайд этган далиллар аниқ ифода этилган.

Мавзуга оид тарихий маълумотларга бир назар ташлайлик.

Ўрта Осиё минтақасида, жумладан, ҳозирги Бухоро, Шош (Тошкент) ва Самарқанд шаҳарларида IX асрнинг охирлари ва X аср бошида дастлабки мадрасаи олиялар вужудга келган. Бундай мадраса ва мадрасаи олияларнинг майдонга келишининг асосий сабабларидан бири ўлкада вужудга келган исломий цивилизациянинг олим ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжи бўлса, бошқа яна бир муҳим сабаби ўз даври учун беқиёс ривожланган иқтисод, маданият ва тижоратга зарур ҳодимларни тайёрлаш эди. Мавзунинг бошқа бир тадқиқотчиси Н.Немцева XI-XII асрда биргина Самарқанд шаҳрида 17 та мадраса мавжуд бўлганлиги ва мадрасалар шаҳарнинг ўзига хос «олий ўқув юртлар шаҳарчаси» — Работи Fозиёнда жойлашганини кўрсатиб ўтади.

Демак, мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари бугунги кунда ҳам илм-фан марказлари — Тошкент, Самарқанд ва Бухорода дастлаб вужудга келган ва уларнинг ўз даври учун энг камолга эришган палласи IX-XII асрлар бўлиб ҳисобланади.

IX-XII асрлардаги мадрасаларимиз битирувчилари орасида Беруний, Ибн Сино, Рудакий, Умар Хайём, Бурхониддин Марғиноний каби дунё илм-фани, маданият ва санъат ҳомийлари бўлганлари маълум. Амир Темур ўз «Тузуклар»ида салтанат пойдеворини яратиш биланоқ «ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар қуришини... буюрдим» деб ёзади. Амир Темурнинг амир ва уморолари, давлат арбоблари ҳам XIV асрнинг охирги чорагида мадрасалар қурдира бошладилар. Масалан, саркарда Идигу Темур, Фирузшоҳ, Самарқанд садри Мавлоно Қутбиддин мадрасалар қурдиргани тарихда зикр этилади. XV аср бошида эса Сароймулкхоним, Муҳаммад Султонлар мадраса қурдириб, буюк Жаҳонгирнинг ишларини давом эттирадилар.

Нақадар жозибали бўлмасин, бу мадрасаларнинг тузилиши, дарс тизими ва ўқув дастурлари хусусидаги маълумотларни тарих биз учун асраб қўймаган. Фақатгина Б.Валихўжаевнинг юқорида тилга олиб ўтган китобидан Амир Темур даври мадрасаларининг маълум даражада соҳалар бўйича ихтисослашганини билиб оламиз. Жумладан, Мавлоно Қутбиддин садр мадрасаси бошқарув кадрлари тайёрлашга, Идигу Темур ва Сароймулкхоним мадрасалари зиёли, имом, мактаб домласи каби умумий мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашганини қайд этиб ўтади.



Мирзо Улуғбек даври мадрасалари ўлкамиз мумтоз олий таълим тизими тажрибасидаги энг юксак палла эди ва олдиндан айтиш мумкинки, ҳозирги университетларимизнинг ҳақиқий тамал тошлари ҳам ўша даврда қўйилган.

Дарҳақиқат, Туркистон халқлари таълим тизимидаги «олтин аср», шубҳасиз, Мирзо Улуғбек подшолиги (1409-1449) давридир. Улуғ олим ва давлат арбоби ўзининг буюк бобокалони каби илм-фан ва маданият ҳомийси эди. У ҳукмронлик қилган 40 йил давомида диёримиз дунё цивилизациясининг энг пешқадам ўринларидан бирини эгаллаган эди.

Ушбу беназир олим ва ҳукмдорнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Туркистон бутун мусулмон Шарқи илм-фани ва маданияти марказига айланди. Буюк Жаҳонгир Амир Темур ўз салтанатининг маърифий-маданий эҳтиёжларини қоплаш ва илмий кудратини ошириш учун ўзгалар юртидан олиму ҳунармандларни кўчириб келган бўлса, Мирзо Улуғбек даврида Арабу Ажам, Руму Ҳиндистоннинг толиби илмлари Туркистонга ўз ихтиёрлари билан ёпирилиб келдилар. Бунинг сабаби шуки, Улуғбек Мирзо қурдирган ўнлаб мадрасаларда, айниқса, ҳозиргача сақланиб қолган Бухоро, Ғиждувон ва Самарқанддаги Улуғбек мадрасалари жуда юксак даражадаги олий ўқув юртлари эди. Пештоқига «Илм олишга интилиш барча муслим ва муслималарга фарздир» деб ёзиб қўйилган бу мадрасаларда ўз даврининг буюк алломалари етишиб чиқдилар. Қозизода Румий, Абдураҳмон Жомий, Али Қушчи каби олиму фузалолар Улуғбек раҳбарлигида иш олиб бориб, XV асрнинг энг мукаммал юлдузлар жадвалини яратдилар. «Улуғбек академияси» номи билан жаҳонга довруғ солдилар. Аслида мадрасаи олиялар Шарқдаги Ренессанснинг ўчоқлари эдилар, эътибор қилинса Fарбда ҳам шундай бўлган эди.

Амир Темур ва Мирзо Улуғбек қурдирган мадрасаи олияларнинг шонли анъаналари кейинчалик Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро замонида Алишер Навоий тарафидан давом эттирилганини алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Маълумки, Алишер Навоий «Вақфия» асарида, Хондамирнинг «Макоримул ахлоқ» асарида Алишер Навоий қурдирган мадрасалар тузилиши молиявий таъминланиши хусусида жуда қизиқарли маълумотлар мавжуд. Жумладан, Алишер Навоийнинг ёзишича, мадрасаларда ҳар бир мударрисга ўн бир талаба бириктирилган, бу талабалар гуруҳи аълочилар гуруҳидан учта, ўртача кўрсаткичлилар гуруҳидан тўртта ва яхши ўзлаштирмайдиганлар сирасидан тўртта талаба қабилида шакллантирилган, мударрисниг йиллик маоши минг икки юз олтин танга ва йигирма тўрт юк озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган. Биргина шундан кўринадики, XV-XVI асрлардаги мадрасаларда ўқув жараёни оқилона ташкил этилган ва мударрисларнинг меҳнатига жуда юқори ҳақ тўланган.

Афсуски, Амир Темур қурган буюк салтанат парчаланган, ундан кейинги даврда Туркистон хонликларидаги таълим тизими инқирозга юз тутди. Абдуллахон даврида Бухоро хонлигида, Амир Умархон даврида Қўқон хонлигида, Муҳаммад Феруз даврида Хива хонлигида маданият ва таълим соҳасида жиддий силжишлар юз берган бўлса-да, ўлкамиз маорифи ва олий таълим тизимида жаҳон талабларидан орқада қолиш юз бераётган эди.

XIX асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиёни босиб олган Чор Россияси маъмурлари олий таълим тизимининг инқирозга юз тутган даврида у билан юзма-юз келадилар. Шу сабабли баъзи рус олимларининг ерли халқ таълим тизимининг «эскирганлиги, яроқсизлиги» хусусидаги даъволари шу билан изоҳланади. Лекин шундай ҳолда ҳам мустамлака Туркистондаги саводхонлик (маълумотлилик) даражаси метрополия (Россия)дагидан унча кам бўлмаган. Жумладан, П.Кимнинг кўрсатишича, XX аср бошида Россияда аҳолининг саводхонлиги 21 фоиз бўлса, Туркистонда 19,55 фоиз бўлган. А.Хорошхин эса XIX асрнинг 70-йилларида Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларида 200 та мадрасалар мавжудлигини қайд этган. Рус ҳукмронлиги остидаги Фарғона — Андижон уездида мустамлакачилик режимининг қаршилигига қарамай XIX асрнинг 60-80-йилларида 15 дан зиёд янги мадрасалар очилди.

Мадрасалар ва мактабларнинг энг прогрессив томонларини жадидлар қабул қилиб олдилар ва уларнинг замонавий таълим усуллари билан уйғунлаштирдилар. Дарвоқе атоқли жадидлар — Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитратлар Самарқанд, Бухоро ва Тошкентдаги энг яхши мадрасаларда таълим олишган ва ўша пайтлари, эҳтимол таълим тизимида янгиланишлар ясаш зарурлигини англаб етган эдилар.

1917 йилги октябрь тўнтариши ўлкамиз таълим тизимидаги қонуний, тадрижий тўхтатиб қўя олмади. «Янги тузум» номини олган мактаб, институт ва университетларнинг асосий ўқитувчилари ва талабалари ҳам кечаги мадраса ёки жадид мактаби тингловчилари эдилар. Масалан, собиқ Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг тамал тошини жадид Мунаввар Қори қўйиб берган эди. Ойбек, Миртемир, Собит Муқонов, Қори Ниёзий каби собиқ мактаб ва мадраса талабалари университетнинг биринчи толиблари эдилар. «Доҳий»нинг кўрсатмасига кўра, поездга тушиб Туркистонга келган олим-фузалоларнинг ҳиссасини камайтирмаган ҳолда айтиш керакки, улар ҳам ўлка маорифи тараққиётига баҳоли қудрат ўз улушини қўшдилар. Шундай қилиб, Ўзбекистондаги таълим тизими тарихини қайта кўриб чиқиш зарурияти етилди ва у бизнингча қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:

— ўзбек олий таълим тизими шаклланишини IX-X асрларга олиб бориб боғлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди; бунда дастлабки мадрасаларнинг диний таълим бергани уларнинг аҳамиятини камайтирмайди, чунки дунёдаги энг қадимги ўқув юртлари ҳам диний таълим масканларидан ўсиб чиққанлиги маълум;

— ўзбек университетлари тарихини бу таърифга тўла мос келувчи Улуғбек мадрасалари билан боғлаш айни муддао бўлар эди. Чунки Самарқанд давлат университетининг ёшини 1420 йилдан, БухДУнинг 1417 йилдан деб белгиласа, республика олий таълим тизими тарихига холисона муносабатда бўлган бўлар эдик.

Фикримизча, олий таълим тарихига оид миллий изланишларни янада ривожлантириш, Ўзбекистон маориф ва олий таълим тарихининг тўлақонли кўп жилдли тарихини яратиш даври келди.

■ **Рустам ХОЛМУРОДОВ, Самарқанд давлат университети ректори, профессор, Шокир ҒАФФОРОВ, тарих факультети декани, доцент.**

НУКУСНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

МУСТАҚИЛЛИК КЎПРИГИ

Одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилаётган Нукус, Хўжайли шаҳарларини боғловчи Амударё узра қурилган кўприкнинг ҳам ўз тарихи бор, — дейди «Ўзавтойўл» концерни кенгашининг раиси Хидирбой Давлатёров. — Нукус ва Хўжайли шаҳарлари оралиғини қарийб уч баробар — 33 дан 9 километргача қисқартирадиган бу кўприк халқ хўжалигида катта маблағни тежайди.

Кўприкни лойиҳалаш ва қуриш ишлари эса 1985-1986 йилларда бошланган эди. Лойиҳа ишлари «Ўзгипроавтодор» ва унинг Нукус филиалига топширилган. У пайтларда, Амударё собиқ СССР дарё флоти ва унинг корхонаси бўлмиш «Госпароходство»га қарарди. Лойиҳалаш учун ундан рухсат олишимиз керак бўлган. Улар кўприк қуриш учун шароит йўқ, деган хулосага келганлар.

Кўприк ўрта қисми 68 метр бўлиб, у махсус металлдан ишланиши, бунинг учун 4 йил олдин буюртма берилиши, кўприк билан сув оралиғи 11 метрдан кам бўлмаслиги, ҳар икки томондан 3-4 километрлик автойўл қурилиши натижасида Нукуснинг эски шаҳар томони бузилиши лозим, деган баҳоналар ила қаршилик кўрсатилган...

1990 йили қурилиш бошлаб юборилди. Узунлиги 46 метр бўлиб, ер остидаги қисми 40 метрдан кўп эди. Шундай қилиб, 1989-1994 йилларда 4 миллион сўмлик иш бажарилди. 1994 йилдан то 1997 йилгача кўприк қурилиши маблағ ва материал етишмаслиги сабабли тўхтаб қолди. 1997 йили яна қурилиш давом эттирилди. Навбатдаги масала узунлиги 33 метр, оғирлиги 50 тоннага яқин балкани Ўзбекистондаги ягона заводда тайёрлатиб, 1400 километр йўл босиб, темир йўл орқали олиб келиш лозим эди. Балкани тайёрлашда материаллар камёблиги, айниқса, пўлат арматура Россияда тайёрланиши ҳисобга олинса, ишлар осон кечмагани кўринади. Бунинг устига балка ясайдиган Тошкентдаги завод буюртма йўқлиги сабабли тўхтаб турган экан. Хуллас ишлар юришди. Тайёрланган балкалар 3 вагонга юкланди. Тушириб олиш ва ўрнатишнинг ҳам ўзи бўлмади. Кўприк ишида тонналаб юкни ташийдиган автомашиналар, 40 тоннали «БелАЗ» автосамосваллар қатнашди.

Қурилиш жараёнида лойиҳани ўзгартиришга тўғри келди, чунки лойиҳада троллейбус қатнови кўзда тутилмаганди. Шунингдек, Туямўйин ичимлик сув қувурини ўнг қирғоқдан чап қирғоққа ўтказиш ҳам лойиҳада қайта кўриб чиқилди. «Ўзавтойўл» ДАКнинг бевосита ёрдамида қурилган, умумий қиймати 987,2 миллион сўм бўлган кўприк фойдаланишга топширилди. Ҳозир кўприк одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб, қилинган харажатларни қопламоқда.

■ **Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

ИБРАТГА ЛОЙИҚ ФАОЛЛИК

«Шайхонтоҳуртумангазтаъминот» корхонаси жамоаси хизматидан аҳоли хурсанд

Маълумки, мамлакатимизда ҳар йили сентябрь ва ноябрь ойи табиий газдан тежамкорлик ва хавфсиз фойдаланиш мақсадида икки ойлик тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бу эса аҳоли ўртасида газдан нотўғри фойдаланиш туфайли рўй бериши мумкин бўлган турли хил нохуш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шайхонтоҳур газ таъминоти идораси ходимлари ҳам 46599 хонадон яшайдиган 48 маҳаллада, 610 та маиший корхона ва якка тартибда иш юритувчи хусусий тадбиркорлар ҳузурида бўлиб, табиий газдан оқилона фойдаланиш, уйлардаги дудбурон-лар ҳамда иситиш ускуналарини кузгикишки мавсумга тайёрлаш, ёш болаларни назоратсиз қолдирмаслик мавзуларида қатор суҳбатлар, тадбирлар уюштирмоқдалар. Масалан, Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Тошкент ислом университети талабалари, «Эски жўва» бозори ҳудудидаги хонадонларда яшовчи аҳоли ўртасида шундай учрашувлар ўтказилди.



— Ходимларимиз ҳар бир хонадон, ҳар бир ўқув даргоҳи ва маъмурий биноларни назоратга олишган, — дейди туман газ таъминоти корхонаси директори Бахтиёр Шамсиев. — Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 март «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ишларимизни ташкил этмоқдамиз. Бугунгача режа асосида Хитой-Ўзбекистон «Сувжиҳозгаз» қўшма корхонаси ишлаб чиқарган «Ж-6» ва «Ж-4» турдаги газ ҳисоблагичлардан 8500 та ўрнатилди. Шу билан бирга биз уларни ўрнатиш жараёнида приборнинг афзалликлари, истеъмолчининг ҳақ-ҳуқуқи, у билан тузиладиган шартнома аҳамияти, иш жараёни, кафолати ҳақида ҳам тўлиқ маълумотлар бериб бораяпмиз.

■ **Умида МАНСУРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

Суратда: навбатдаги хонадонга газ ўлчагич жиҳози ўрнатилмоқда **Дилшод МУҲСИМОВ олган сурат**

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

ХИЛВАТДАГИ ҲИБСХОНА

ёки «Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти биноси ўрнида қамоқхона бўлгани ҳақида

Бу дунёда ҳар қандай эзгулик ва савоб амалларнинг чеки бўлмагани сингари, зулм ва қабиҳликнинг ҳам чегараси йўқ экан. Одамларнинг аъмоли, инсоний қиёфасига ҳам ана шу бир-бирига қарама-қарши икки ҳаракат мезонларидан келиб чиқилган ҳолда нисбат бериларкан. Бу кўҳна юрт не-не жангу жадаллар, қирғин ва зулмлар гувоҳи. Бунга тарих гувоҳ, тили бор экан, айтаяпти. Борган сари бу муқаддас тупроқда кечган не-не хунрезликлар, қора қилмишлар фош бўлмоқда.

Пойтахтдаги «Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятини мамлакатимизда билмаган киши кам топилса керак. Бир вақтлар, аниқроғи XIX-аср ўрталаридан то 1940 йилларгача шу корхона ҳовлисида қамоқхона ва маҳбусларни отиш хоналари мавжуд бўлганлиги хусусида ҳали кўпчилик билмас.

Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Элбек, Fози Юнус, Қаюм Рамазон каби ўзбек миллатининг илғор зиёлилари вакиллари даставвал маҳбус сифатида шу ерда сақланган, зулм кўрган, хўрланган, инсоний қадри, шаъни оёқости қилинган.

Қўқон Мухториятининг Ички ишлар вазири ҳамда Ҳарбий бош қўмондони бўлиб ишлаган Убайдулла Хўжаев ҳам 30-йилларда шу ерга қамалган. Бу киши кўпгина ўзбек зиёлиларининг устози ҳисобланган. Убайдулла Хўжаев 1900 йилларнинг бошларида Лев Толстой билан мунтазам хат ёзишиб, мунозаралар олиб борган. Бундай интеллектуал «миллатчи»ларни турли баҳоналарни рўкач қилиб йўқотиб юбориш ўша замондаги тузумнинг бош аъмоли эди.

1936 йил бу ерда атиги 12 киши сақланган. Бу 12 киши ҳам айбсиз, асоссиз жосусликда айбланган. Кейин эса бундай маълумотдан фиғони фалакка чиққан Москвадаги «халқ оталари» қуйидагиларга «Бир турмада 12 та маҳбус бўлса, бу нима деган гап, ишламаяпсизлар», дея танбеҳ берган бўлиб, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, алоҳида, махсус кўргазма жўнатишган. 1937 йилдан бошлаб, ана шу «буйруқ» асосида кимдир аксилинқилобий гуруҳ вакили, яна кимдир миллий уйғониш ғоялари тарғиботчиси сифатида қамалган. Муҳтарам олимимиз Наим Каримовнинг берган маълумотига кўра, кўргазма асосида ўша йили 40 минг 40 киши жиноятчи сифатида «Тоштурма»да сақланган ва уларнинг аксарияти айби нима эканлигини билмаган.

Ўзининг мағзи пуч коммунистик ғояларини жаҳонга жар солиб, рўкач қилган яккаю ягона ҳақиқат ва адолат учун курашадиган тузум сифатида аюҳанносга берилган қизил империянинг «каромати» билан бу ердаги маҳбуслар обдон сўроқ қилиниб, зулм ўтказилиб, судсиз, ҳеч қандай ҳуқуқий асосларсиз ўлимга маҳкум этилган. 1938 йилнинг 4 октябрида Қодирий, Чўлпон, Элбек... ҳамма-ҳаммаларининг тақдири шу тахлитда ҳал бўлиб Юнусободдаги Алвасти кўприги яқинида отиб ташланган. Хилватдаги бу қатлгоҳ не-не хунрезликлар гувоҳи. Минглаб одамлар жон ҳовучлаб, вужуди қақшаган бу ердан ўтгунча.

Дарвоқе, ўша ҳукмда зиёлилардан фақат Усмон Носиргина 10 йилга озодликдан маҳрум этилиб, Сибирга сургун қилинган.

Усмон Носирнинг адолат истаб, гоҳ Тошкентдан, гоҳ Магадандан Сталинга суд қилишларини талаб қилиб, нажот истаб ёзган ҳатлари ҳам тарихнинг сарғайган саҳифаларидаги бугун бизга маълум бўлди.

Энг даҳшатлиси, бу ерга 1937 йилда қамалганлар ичида аёллар ҳам бўлган. Fози Юнуснинг хотини Хадича Алиеванинг эсдаликларида ёзилишича, бу ҳибсхонага, Фитрат, Отажон Ҳошим ва Fози олим Юнусовларнинг хотинлари ҳамда ўзининг аёли қамалганлигини эшитган Чўлпон уларга «Сиз замонамиз қаҳрамонларисиз! Рус декабристларининг хотинлари эрлари учун қанчалик қаҳрамонлик кўрсатган бўлса, сизлар ҳам худди шундай қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатдингизлар» деган мазмунда хат ҳам ёзган.

— Мана бу омборхонамиз, илгари маҳбуслар сақланадиган камералар, ҳу, анаву босмахона цехи маҳбусларни отиш хоналари бўлган, — дейди «Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти раиси Абдувоҳоб Тошпўлатов бизни корхона ҳовлисидаги бинолар билан таништирар экан. — Девордаги сувоқларни қўпориб ташладик. Мана, бунақа ғиштлар кўринди. Ҳайрон бўлаяпсизми? Буни Николайнинг ғишти дейдилар.

Ўтган йилнинг август ойида ўша ҳибсхона деворларининг юзаки қисми олиниб, ғиштли қисми сақлаб қолинди. Ғишт терилган қисми атрофига мармар плиткалар терилиб, шу ерда сақланган маҳбуслар ҳамда отилганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди. Ғиштлар эса ўша қора қилмишларни, машъум кунларни эслатиб тураверади.

■ **Илҳом КАРОМОВ**

«ПАХТА — 2002»

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Куни кеча кетма-кет Наманган, Учқўрғон, Янгиқўрғон ҳамда Косонсой туманлари ҳам дастлабки довондан ошдилар. Катта карвон Учқўрғон туманида ҳар гектар майдондан 33,5 центнердан жами 37750 тонна хомашё тайёрланди. Наманган тумани пахтакорлари дастлабки қайта ишлаш корхоналарига 22400 тоннадан зиёд ҳосил етказиб берган бўлсалар, Янгиқўрғон тумани меҳнаткашлари эса сифатли, юқори навли пахтадан ташқари катта миқдорда мева ва сабзавот маҳсулотлари билан эл дастурхонини тўкин этишди.

Косонсой тумани пахтакорлари жорий йилда 7300 гектар майдонга чигит қадаб, 18650 тонна ҳосил етиштирилди.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ**

✧✧✧

Вобкент тумани пахтакорлари Ватан хирмонига 37 минг тоннадан зиёд пахта сотиш шартномавий режасини вилоятда биринчилардан бўлиб уддаладилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 32 центнерни ташкил этди.

Миришкорлар давлатга яна 5 минг тонна пахта сотишни мўлжаллашган.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

КЕКСА АВЛОД ИБРАТИ

Кексаларнинг меҳнатсевар бўл, ҳалол еб, ҳалол тур каби насиҳатларида миллатимизга хос пок турмуш тарзи уфуриб туради. Яқинда мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти «Давлатшунослик ва халқаро ҳуқуқ» бўлими мудири Шоира ЭШОНОВА билан мулоқотида юқоридаги фикрлар асосий мавзу бўлди

■ Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

— Шоира Отабоевна, жамият ҳаётида кексаларнинг мавқеи қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз? Суҳбатимизни шу мавзудан бошласак...

— Асрлар давомида аждодларимиз ҳаётида равнақ топган миллий-маданий анъаналар ва урф-одатлар миллатнинг бебеҳо бойлиги, тарбиянинг асрлар синовидан ўтган сабоқларидир. Ана шу улуғ қадриятларимиз ҳисобга олиниб, ўтаётган йилимиз Президентимиз ташаббуси билан «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинишидан ҳам мақсад шу эди. Бу — қарияларни қадрлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, бой ҳаётий тажрибаси ва билимларидан фойдаланиш билан бир қаторда ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда кекса авлоднинг юксак ўрни ва ҳиссаси эътироф этилиши ҳамдир.

— Кўпинча нуроний отахон ва онахонларимиз 45-50 ёшга бориб қолган фарзандларига ҳам худди гўдакларга насиҳат қилгандек, ўгит бериб турганларини кузатганмиз. Ушбу ҳолатни кўрганимизда унчалик ҳайрон ҳам бўлмаймиз. Нега шундай?

— Отанинг фарзандлари улғайгани сайин болаларига ва уларнинг тақдирига ҳушёррoқ қарашининг кучайиб бораверишн бу юксак қадриятларимизнинг асл ва бақувват илдизларидан бири. «Қари билганни, пари билмас» дейди халқимиз. Дарҳақиқат, қарияси бор уйдаги фарзанд тарбияси ўзгача, уларни катталарга хос ҳикоя ва суҳбатларни тинглашдан узоқ тутилади. Аксинча, тарбияга ёрдам берадиган, маънавий комиллик сари етаклайдиган ривоятлар ҳақида кўпроқ гапирилади. Шунинг учун бўлса керак, улар бировдан нарса олмаслик, олса ҳам қайтариб бериш кераклигини, ҳатто ерда ётган эгаси номаълум нарсаларга қўл уриш мумкин эмаслигини яхши биладилар.

— Кексаларнинг бир гапи бор: болангга кўп гапирсанг — бети қотади, кўп урсанг — эти қотади. Тергайверсанг, тентак бўлади. Дарҳақиқат, болага бир ишни ўргатишда ёки бир нарсадан қайтаришда қаттиқ турмасдан, унга зуғум этиш ўрнига яхши гап билан уни уялтириш самаралироқмикан?..

— «Фарзандлар жаннат райҳонларидир», дейди халқимиз. Шу боис қадимдан болани тарбиялашда очиқ чеҳра ва ширин сўз энг самарали усул ҳисобланган. Тўғри, ота-онанинг шахсий ҳаётидаги турмуш тажрибаси, малакаси — бу бир ибрат мактаби. Болаларнинг кўп ҳолларда ўз ота-оналарига тортиши шундан. «Қуш уясида кўрганини қилади», деган халқ мақолининг асоси ҳам шу. Зеро, фарзанд ҳали дунёга келмасданоқ, тарбияни онадан, унинг аҳлоқи ва одобидан олади.

Ислом дини ақидасида ҳали бола дунёга келмай туриб, унинг келажаги тўғрисида қайғурушга буюрилади. Ҳадиси шарифда айтиладики: «Аёл диёнати ёки молу дунёси, ёхуд хусну жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагил, барака топкур!» Яхши киши ўзига жуфти ҳалол танлаш вақтида: қиз (аёл)нинг фақат хуснига ёки бойлигига алданиб қолмаслиги, балки унинг хулқи, одоби, диёнатига ҳам албатта аҳамият бериш лозимлиги таъкидланган. Чунки қизнинг ота-онаси бойлигига қизиқиб уйланганлар аксарият ҳолда миннат балосига учрайди. Қизнинг хусну жамолига маҳлиё бўлиб, унинг орқасида бир қанча фитна-фасодларга дучор бўлганлар оз бўлса-да учраб туради. Бироқ, тақдир тақозоси билан бой ва чиройли, лекин камтар бир қизга уйланишга тўғри келса, уни рад этмаслик керак. Ҳазрати Пайғамбаримиз (С.А.В.) шундай деганлар: «Яхши тарбияли ва гўзал бир муҳитда ўсган қизларга уйланинглар. Чунки насл-насаб ва қон жуда алдовчидир». Шу боис, динимизда ахлоқ-одобли, оқила, шарму ҳаёли, аёллик иффати ва назокатига эга бўлган жуфти ҳалол танлашга буюрилади.

Боланинг яхши ё ёмон бўлиб етишиши ота-онага, фарзанд яшаётган муҳитга ҳам боғлиқ. Бинобарин, ота-онанинг энг катта вазифаси болага яхши тарбия беришдир. Шу ўринда Расулуллоҳнинг қуйидаги сўзларини ҳам келтириш ўринлидир. «Фарзандларингизни ҳурматланглар ва уларнинг одобини гўзал қилинглар». Албатта, бунда ҳар бир ота-она ахлоқий фазилатларни аввало ўзларида мужассам этишлари билан бошқаларга ва фарзандларига намуна бўлмоқлари керак. Чунки, ота-она ўз фарзандига яхши тарбия бериши ва одоб ўргатишидан ортиқ ҳадя йўқ.

— Ўзбек оиласининг турмуш тарзидаги қадриятларига назар ташласак, неча-неча асрлар давомида сайқал топтирилган оилавий муносабатлар устуворлигини кўрамиз. Шулардан одоб-ахлоқ тушунчалари, орият, ҳалол меҳнат, одамийликнинг нечоғлик улуғлигини ҳис этамиз. Айтинг-чи, бу тушунчаларнинг таг замини қаерда?

— Ёшлар жамоатчилик олдида ўзини тута билиши, кексаларга, аёлларга шарқона иззат-икромда бўлиши ўта қадимий хулқ-одат қоидаларидир. Ҳайит ва бошқа миллий байрам кунлари қадамжо жойлар, мозорларга бориб зиёрат қилиш, сумалак пишириш, ўғилларни хатна қилдириш, халқимизга хос бўлган қадимий, ўлмас қадриятларга мойиллик, ўзбекона урф-одатларимиздан.

Ҳаётнинг баланд-пастини кўрган, аччиқ-чучугини татиган отахон ва онахонларимиз одамийликнинг хилма-хил ва кўз илғамас икир-чикирини тезда пайқай оладилар. Улар ўз ҳаётлари давомида нимаики ўрганган, орттирган бўлсалар, ҳаммасини ардоқлаб, оқизмай-томизмай ўз фарзандларига, ёшларга инъом қиладилар. Шунинг учун бўлса керак, ёшлар ҳаётларида учрайдиган муаммо ва жумбоқларни ечишда кексаларимизга интиладилар. Қарияларнинг одамийлик фазилатлари, маънавий гўзалликлари ёшлар учун ҳамма вақт ибрат мактаби бўлиб келган. Ҳозир эса бу айниқса муҳим.

— Инсонни чинакам инсон қиладиган нарса унинг яхши фазилатидир. Хушмомалалик ана шу яхши фазилатларнинг энг муҳим шартларидан биридир. Ёшларда бу хислатлар шаклланиб боришини қандай баҳолайсиз?

— Ҳақиқатан, хушмуомалалик одамнинг тарбияланганлик даражасини билдирувчи муҳим белгидир. Халқдаги «Яхши сўз — жон озиғи, ёмон сўз — бош қозиғи» деган мақол тўғри айтилган. Шу боис ўз қадру қимматини билган одам, энг аввало, муомала одобининг ғамини ейди. Кексалар инсоннинг нозик туйғусини, дилини шикаст топтириш кони гуноҳ эканини, дилозорлик — ёмон безорилик бўлишини ёшларга доимо уқтириб келганлар. Инсоний қадр-қимматни хазондек оёқ остида топташ катта гуноҳ.

Муомала одам табиатидан, доимий одатидан, танасига сингиб кетган аҳлоқидан келиб чиқмаса, у ҳеч қандай таъсир кучига эга бўлмайди. Аксинча, бундай муомала ўз эгасини бир кун эмас, бир кун шарманда қилади. Одамнинг асли биров кўриб турганда бир хил, кўрмаганда бошқа хил ҳаракат қилмайди. Аксинча, қиладиган жамики ҳаракатини бошқалар учун эмас, ўзи учун, виждони учун қилади. Улуғ Навоийда шундай гап бор: «Кишининг олдида қўл уриш уят бўлган ишларни, айтиш ножоиз бўлган гапларни киши йўқ ерда ҳам қилмаса, демаса, ўша одам донодир!».

Ёшлар муомалани, маданиятни дастлаб ўз оилаларидан ўрганадилар. Оилада ўзини ҳалигидай тутиб, дилозорлик қилиб, кўчада гўзал қиёфада назокат билан юриш қабоҳатнинг ўзидир. Кексалар ўгитига қулоқ солсангиз «Гўзаллик юзда эмас, ақлда» дейдилар. Дарҳақиқат, Муҳаммад (С.А.В.) пайғамбаримизнинг куёви Ҳазрати Алининг: «Ақлдан бошқа бойлик, жоҳилликдан бошқа қашшоқлик ва мулозаматдан афзал мерос йўқ» деганлари мазкур фикрни қувватлайди.

— Ҳаётни безайдиган, бахт-саодат келтирадиган, бойлик, фаровонлик бахш этадиган куч — меҳнатдир. Меҳнат билан суяги қотган, меҳнат туфайли иззат-ҳурмат кўрган кексаларимиз ўз ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб ёшларга ҳар кун, ҳар вақт ўргатишга вақт топадилар. Афсуски, айрим ота-оналар фарзандларини оғир ишдан, мустақил ҳаракатдан авайлашади. Бу борада ҳам фикрларингизни билдирсангиз.

— Агар ёшлар ишга муҳаббат билан қўл урсалар, ҳар қандай иш ҳам тоза, жозибадор бўлиб чиқади. Буни кўрган кексалар: «Қўли гул экан, отасига раҳмат!» деб дуо қиладилар, парвосизлик билан қўл урилган ишига қараб ранжийдилар. Шу ўринда Муҳаммад (С.А.В.) пайғамбаримизнинг қуйидаги сўзларини етказмоқчиман: «Одамлардан ҳеч ким, ҳеч қачон ўз қўллари билан ишлаб топган емишдан яхшироқ таом емаган. Оллоҳнинг пайғамбари Довуд ҳам одатда ўз меҳнати билан ишлаб топган таомини истеъмол қиларди».

Ҳар қандай мартабага ҳалол меҳнат билан, ҳар қандай яхши фазилатга заҳмат билан эришилади. Бундай нарсалар ҳеч қачон ота-онадан фарзандга мерос бўлиб қолмайди. Фарзанд ўз мартабасини ҳалол меҳнати билан кексаларга беғараз ҳурмати, кичикларга шафқати билан, халқига садоқати билан топади.

Кекса отахон-онахонларимиз савоб деган сўзни кўп ишлатадилар. Унинг мағзини чаққан ҳар бир киши атрофдагиларга, жамиятга яхшилик қилмоғи, бунинг учун таъма қилмаслиги, қўлидан келган барча яхшиликларни одамларга бахшида этмоғи кераклигини тушунади.

Кексалар ҳамиша яхши кунлар орзуси билан она юрти ва фарзандларининг истиқболини кутиб яшайди. Ёшларга ҳам шуни тилайди. Ёруғ ниятлари фақат меҳнат билан, бир-бирига меҳр-шафқат, саховат билан етиш мумкинлигини фақат сўз орқали эмас, балки ўз хатти-ҳаракатлари билан исботлашлари мумкин.

■ **Суҳбатдош: Маъмуржон ҚИЁМОВ**

СОЧИ ТОРИҒА ЖОН РИШТАСИ ПАЙВАНД

«СОЧИНИНГ САВДОСИ ТУШТИ БОШИМА...»

Мажнунтолга ўхшайди аёл сочлари. Ишқ аҳлига дордир бу сочлар. Тун каби сирли қоп-қора. Тошни ёрган шаршара сочлар. Ошиқларга қўйилган банддир. Занжир эрур дилни боғлаган.

Сочининг савдоси тушти
бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзгорим
ул қаро қошдин яна.

Соч савдоси қадим изтироб. Кўнгил тубидаги соғинч. Тузалмас оғриқ. Ўчмас қалб ёзуви. Унга етишмоқдан мангу умид узолмаган буюк шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур йўлга чиққан. Соч ғавғоси унинг ўзи каби сирли. Узун. Ҳисобсиз. Буни англаган ошиқ:

Оёғим етгунча Бобурдек
кетар эрдим нетай,
Сочининг савдоси тушти
бошима бошдин яна.

У иложсиз, ё ўша гўзал соч васлига етишади. Ёки сўнгги йўл оёғи етгунча кетади.

Соч юракни асир этади. Эргашасан ихтиёрсиз. Қуёш нурларидек бокира, майса каби бетакрор. Ёмғирдек майин. Титроққа тушасан унинг қаршисида. Қўллар ўзин билмай ҳаддидан ошар. Юракда муҳаббат исёни тошар.

Кўнгулга бўлди ажойиб
бало қаро сочинг,
Шикаста кўнглума эрмиш
қаро бало сочинг.

Соч қаро, бало. Дил озори. Соғинган қалб зори. Аввал дилингни овлайди. Сўнгра эса баҳру дилингни очади. Оромбахш онлар ила сени диловар айлайди. Қўрқув узоқлашиб, ошиқ ўзин ошкор этади.

Очилди кўнгли, чу очтинг
сочингни, Бобурнинг
Не айб, агар деса дилбанду
дилкушо сочинг.

Сунбул соч. Анбар соч. Золим зулф. Зулфи райҳон. Булар Бобур иборалари.

Очилиб икки сочи
юзига ёйилмишлар,
Ёруқ жаҳонни кўзумга
қоронғу қилмишлар.

Юз ёруғлик тимсоли. Ёйилган сочлар эса уни тўсиб жаҳонни қоронғу қилмиш

Зулфунг черикини йиғки, жамъ
Бу фитнадин асру қўзғалибтур.

Сочлар бир ўрим бўлиб жамланса, жангга отланган навкарларга ўхшайди.

Қаро зулфунг фироқида
паришон рўзгорим бор,
Юзунгнунг иштиёқида
не сабру не қарорим бор.

Ёр зулфининг фироқида паришонлик. Висол иштиёқида беқарору бесабрлик. Соч каби сочилган туйғулар қўнимсиз.

Бўлубмен бир парийнинг
анбарин сочиға вобаста,
Мени телбага эмди
ҳожати занжиру банд эрмас.

Соч ила боғланган дил. Энди занжир унга ҳожат эмас. Кишан ҳам шарт эмас. У ишқ бандисига айланган.

Ҳажр шоми сочи савдоси
чекар ҳарён мени,
Ваҳки бу поёни йўқ тун қилди
саргардон мени.

Соч савдоси поёнсиз тун. Унда саргардон ошиқлар дардига даво йўқ.

Чун бўлди сочи ториға
жон риштаси пайванд,
Бобур, кўнгул узмак сочидин
эмди не имкон.

Соч торига жон риштаси пайванд экан, Бобур айтганидек, энди ундан кўнгил узишга имкон йўқдир.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

ФУТБОЛ

ЧЕМПИОНЛИК УЧУН ИККИ ОЧКО КИФОЯ

7 ноябрь куни «Қизилқум» — «Пахтакор» жамоалари 25-турнинг кечиктирилган учрашувини ўтказишди.

XI миллий чемпионатимизнинг совринли ўринлари учун кураш олиб бораётган бу икки жамоа ўйини кутилганидек, кескин ва ҳужумкор руҳда ўтди. 57-дақиқада пахтакорчи Қайрат Ўтабоев ҳисобни очди. Учрашув тугашига 14 дақиқа қолганида эса мавсум тўпурарларидан бири зарафшонлик Марсель Идиатуллин вазиятни тенглаштирди. Бу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармади. Ушбу натижадан сўнг, чемпионат пешқадами — пахтакорчилар жамғарган очколар сони 68 тага етди. Жадвалнинг учинчи поғонасини банд этиб турган «Қизилқум» ҳисобида эса 55 очко бор.

«Пахтакор» яқин таъқибчиларига нисбатан икки ўйин кам ўтказган. Чемпионатнинг олтин медалига сазовор бўлиш учун мавсумнинг қолган олти учрашувидан атиги икки очко олинса кифоя.

БАНГКОККА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

ОФК ташаббуси билан қитъа мамлакатлари ўсмирлари ўртасида футбол фестивалини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Ўзига хос бундай спорт анжумани жорий йилда Таиланд, Непаль, Хитой ҳамда Уммон давлатларида уюштирилади.

9-15 ноябрь кунлари Таиланд пойтахти Бангкокда бўладиган фестивалда мезбонлардан ташқари яна олти мамлакатнинг 1988 йилда туғилган футболчилари иштирок этишади. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Қирғизистон, Индонезия, Таиланд футболчилари билан бир гуруҳдан жой олишган. Иккинчи гуруҳда эса Туркманистон, Малайзия, Сингапур вакиллари ўзаро тўп суришади.

АКС-САДО

БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Республикамиз Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорини ўқиб, роса қувондим. Бу Фармон ва қарор юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди.

Маҳалламизда яшаётган 7600 нафардан зиёд аҳолининг ҳаммаси кўп қаватли уйларда истиқомат қилишади. Анчадан бери улар фарзандларининг спорт билан шуғулланишлари учун майдончалар йўқлигидан қўмитамизга арз қилиб келишарди. Ҳақиқатан уйлар зич жойлашганлиги туфайли болаларнинг яйраб тўп тепишлари, ўйнашлари учун жой йўқ эди. Шу боис, қўшни «Дамариқ» маҳалласи оқсоқоллари билан келишиб, икки маҳалла орасида анчадан бери бўш ётган ерда спорт майдончаси барпо қилмоқчи бўлдиқ. Бу ишга рухсат сўраб бир неча тегишли идораларга мурожаат этгандик. Аммо, наф бўлмади. Сал ўтмай, эшитсак, бу жойни тадбиркорлардан бири хатлаб олибди. Очиғи, фармонни ўқиб, хаёлимга келган биринчи гап шу бўлди: болалар спорт майдончаси учун жой топсак, энди ҳокимият ва бошқа идорадаги масъул ходимлар тўсқинлик қилишмаса керак.

Фарзандларимиз 48-мактабда ўқишади. Улар бўш вақтларида спорт билан шуғулланишлари учун мактабнинг биргина спорт зали торлик қилади. Шу боис, янги ўқув йилидан бошлаб маҳалламизда ташкил этилган «Бўстон» ёшлар клуби қошида шоҳмот-шашка тўгараклари очдик. Мактабга биттадан футбол, баскетбол тўплари олиб бердик. Энди маҳалламизда мўъжаз спорт майдончаси бунёд этсак, деган ниятимиз бор. Маҳалла қўмитамиз ҳам қараб турмайди. Болалар спорт мураббийига маош тўлашга қурбимиз етади. Болаларга кўрсатаётган эътиборимиз — бу келажакка эътибордир.

■ **Шермат ОДИЛОВ,**
Яккасарой туманидаги Бобур номли маҳалла қўмитаси раиси.

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

ҲАЁТ МЕЗОНИГА АЙЛАНСИН

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БИЗ ОГОҲЛИК ҲАҚИДА КЎП ГАПИРЯПМИЗ ВА ОДАМЛАРНИ ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ ЭТЯПМИЗ. ХЎШ, БИЗ КИМДАН ВА НИМАДАН, ҚАНДАЙ ОГОҲ БЎЛИШИМИЗ КЕРАК?!

Мен бу саволга тинчосойишта яшашимизга халақит берадиган ҳар бир одамдан ҳамда тинчлигимиз-осойишталигимизни бузадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатдан огоҳ бўлишимиз керак, деб жавоб берган бўлардим.

Қишлоқ жойларида ҳамда, асосан, маҳаллий аҳоли яшайдиган маҳаллаларда ҳар бир одам кўпчиликнинг диққат-эътиборида бўлади. Ишлайдими-йўқми, даромади нимадан, қачон қаёққа кетди ёки қаердан келди, нега кўпдан бери кўринмай қолди ёки нега хулқи, қадам босиши ўзгариб қолди, уйига қандай одамлар келибкетяпти — ҳамма-ҳаммаси маҳалладагиларнинг эътиборида, назарида, қандайдир даражада кузатувида бўлади. Айниқса, аёллар бундай ишларда ўта сезгир бўлишади. Уларнинг аксарияти бутун бир маҳалладаги ҳаёт маромини ўзларининг қалб кўзгуларида акс эттиришади. Бу яхши, албатта. Қишлоқда ёки маҳаллада яшаб туриб ҳеч нарсадан хабардор бўлмасликдан ёмони йўқ.

Бироқ катта шаҳарлардаги кўп қаватли «дом»ларда вазият бошқача. «Дом»да яшайдиганлар бир-бирларини яхши билишмайди. Ҳатто бир подъездда яшаб ҳам, эшиклари ёнма-ён ёки қарама-қарши жойлашиб ҳам бир-бирларини билмайдиганлар бор. Кўшни эшикка қандайдир шубҳали одамлар кириб-чиқаётганлигини фақат «глазок»дан қараб билишади ва ўзларига «ташвиш» орттирмаслик учун сирни ошкор қилмай қўяқолишади. Бундан ёмони йўқ. Агар бефарқ бўлсак, ўз фарзандимиз ҳам шундай шубҳали одамлар сафига қўшилиб қолиши ҳеч гап эмас. Улар беҳаё ёки «боевик» фильмларидек енгилтабиат, иродасиз ёшларни ўзларига ром қилиб, йўлдан оздиришади ва ўз мақсадларига бўйсиндиришади. Ана шунда «глазок»дан қараб томошабин бўлиб туриш ўрнига тегишли одамларга айтиб, ўзингизнинг ёки қўшнингизнинг фарзандини шубҳали одамлар чангалидан сақлаб қолмаганингизга минг марта афсусланасиз.

Менга таниш бўлган бир акамиз бор. Кейинги уч йилда уч марта инфаркт ва бир марта инсульт бўлди. Жуда ажойиб, одамшаванда, самимий инсон. Хушчақчақ. Суҳбатлашсангиз — бу одам инфаркт ёки инсульт бўлиши мумкин эмас, деб ўйлайсиз. Лекин бўлди. Уни бундан бир неча йил олдин шубҳали одамларга қўшилиб, хорижга кетиб қолган бир фарзанди шу аҳволга солди. Ўшанда фарзандининг юриш-туришини яхши назорат қила олмагани учун ҳозир пушаймон. Сўнгги пушаймон — ўзингга душман деганларидек, энди додини кимга айтишни билмайди. Оқибатда ўзи ҳам маънавий, ҳам жисмоний ногирон бўлиб қолди. Айтгандай, ҳамкасбимнинг ўғли «дом»да яшаб ўсиб улғайган эди. Демак, унга нафақат ота-она, балки қўни-қўшнилар ҳам аҳамият беришмаган.

Ҳозир Тошкент шаҳридаги «дом»ларда: «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!» деган ёзувга кўзингиз тушади. Маҳаллалардаги йиғилишларда кўпинча: «Бегона одамлардан ҳушёр бўлинглар!» дейишади. Бу яхши, албатта. Бироқ «дом»дагилар билан иш олиб бориш ҳали маҳаллалардаги даражада эмас. «Ўзингни, ўз уйингни асра!» деб ёзиб қўйиш ёки «глазок»дан кузатиш билан «дом»дагилар ҳаётини яқиндан билиб бўлмайди. Бу ерда ҳам ҳамма бир-бирини билишига эришиш зарур. Ҳар қандай шубҳали ҳаракат эътибордан четда қолмаслиги керак. Назорат ва эътибор бор жойда огоҳлик ва ҳушёрлик таъминланади. Фақатгина бегона одамлардан эмас (уларнинг орасида яхшилари ҳам бўлиши мумкин), балки шу «дом»да, шу подъездда, шу кўчада яшайдиган хатти-ҳаракати шубҳали бўлган ҳар қандай одамдан огоҳ ва ҳушёр бўлиш керак. Бу аввало кўп қаватли уйларнинг комендантларига, маҳалла оқсоқолларига, ҳуқуқ-тартибот ходимларига, қолаверса, ҳар биримизга тегишли гап. Биз бир-биримизни қанчалик яхши билсак ва бир-биримизни яхши маънода назорат қилсак, ҳаётимиз шунчалик тинч ва осойишта ўтади. Лоқайдлик, ҳафсаласизлик, эътиборсизлик ўзимизга ташвиш, жамиятга эса нотинчлик келтиради.

Бугун биз огоҳлик ва ҳушёрлик ҳақида астойдил гапираётганлигимизнинг боиси бор. Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида таъкидлаб ўтганидек, барчамиз ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам мустақиллигимизни авайлаб-асрашимиз зарур. Маълумки, ўтган йилларда мустақилликни мустаҳкамлаш ва авайлаб-асраш йўлида биз бир эмас, бир неча марта ғаразчилар ҳийласига, аразчилар иғвосига, аламзадалар фитнасига, жаҳолатпарастлар хуружига дучор бўлдик. Бугун ғанимларимизнинг ана шу жинояткорона ишларини унутишга ҳаққимиз йўқ. Шунинг учун ҳам огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш биз учун шиор эмас, ҳаёт мезонига айланмоғи керак, деб ўйлайман.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

XORIJDA

МУРДА ҚАРИНДОШЛАРИГА БЕРИЛМАЙДИ

Терроризм балосига нафрат кўзи билан қарамайдиган бирор-бир миллат ё халқни бугунги кунда топиб бўлмаса керак. Ундан азият чеккан халқлар сони кўпайса кўпаймоқдаки, унинг балосини тўхтатиб қолишга ҳали дунё ожизлик қилмоқда. Негаки, дунёда ҳамфикрлилик етишмаяпти, дўстлик, бир-бирини яхши тушуниш хислатлари камлик қилаяпти.

Аммо терроризмнинг «маза»сини татиб кўрган давлатлар эндиликда унга қарши курашишда собит бўлмоқдалар. Ҳушёрлик биринчи даражага кўтарилган.

Яқинда Россия давлат думаси «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар киритди. Хавфсизлик бўйича кўмита ташаббуси илгари сурган қонундаги янги тузатишга кўра, эндиликда ҳалок бўлган террорчиларнинг мурдалари унинг қариндошларига қайтариб берилмайди.. Шунингдек, уларнинг қаерга дафн қилинганлиги тўғрисидаги хабар ҳам ошкора этилмайди.

Қонундаги янги ўзгартиришни қўллаб-қувватлаб 288 депутат овоз берди. Биргина депутат қарши, икки нафари эса бетараф қолди.

ВАҚТИНЧАЛИК ТАҚИҚЛАДИ

Америка ҳарбийларининг душман сувости кемаларини олдиндан пайқовчи кучли радарлардан фойдаланиши федерал судья Элизабет Лапорт томонидан вақтинчалик тақиқланди. Америка табиий бойликларини муҳофаза қилиш Миллий Кенгашининг АҚШ ҳарбий денгиз флотига нисбатан қўзғаган даъвоси бунга сабаб бўлди.

Гап шундаки, бу радарлар денгиз жонзотлари ҳаёти учун ўта хавфли экан.

Аввалроқ Сан-Франциско федерал судьяси АҚШ миллий илмий жамияти томонидан Калифорния кўрфазида денгизга кучли акустик сигналларни жўнатиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларини тақиқлаган эди. Associated Press агентлиги берган маълумотларга кўра, бу тадқиқотлар ҳам китлар ва бошқа денгиз ҳайвонлари ҳаётига хавф туғдирган.

ҚЎНИШГА МАЖБУР БЎЛДИ

«British Airways» авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёти Сингапур — Лондон йўналиши бўйича учиб кетаётиб, Деҳлида қўнишга мажбур бўлди. «Индира Ганди» халқаро аэропорти хавфсизлик хизмати вакилларининг таъкидлашича, самолёт салонидаги бир йўловчининг шубҳали сумкаси бундай воқеага сабаб бўлган. Негаки, сумка соҳиби унда портловчи модда борлигини айтган.

Шуни таъкидлаш керакки, Деҳли аэропортида барча йўловчилар самолётдан туширилган. Сўнг махсус хизмат мутахассислари сумкани эҳтиёткорлик билан олиб чиқиб текширишган. Бундан ташқари самолёт ҳам синчковлик билан қайта назоратдан ўтказилган. Бироқ, сумкадаям, салондаям портловчи модда топилмади.

ЁШЛИКДАГИ ХАТОСИ УЧУН ҚАРИГАНДА ЖАВОБ БЕРДИ

Таллин шаҳар суди яқинда 80 ёшли қария, собиқ чекист Юрий Карповни 8 йилга шартли равишда қамоқ жазосига маҳкум этди. У собиқ совет «КГБ»сининг Эстониядаги катта тезкор вакили бўлиб хизмат қилган.

1949 йили мартда, Эстония собиқ СССР таркибида бўлган пайтда Карпов мамлакатнинг Харьюск уездида яшовчи 41 кишини сургун қилишда қатнашганлиги учун суд уни айбдор деб топди.

Ю. Карпов эса бу айбларни инкор этмоқда.

XXI АСР ВАБОСИ

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ДУНЁ МАТБУОТИ ТАЛҚИНИДА

Терроризм ер юзига яна бир бор қалқиб чиқди. Жаҳон жамоатчилиги ҳаётига хавф солди. Москвадаги Маданият уйида содир бўлган даҳшатли воқеа бутун инсоният тинчлигига таҳдид солди. 750 нафар кишини гаровда ушлаган террорчилар жаҳон ОАВ ходимлари (асосан хорижий матбуот вакиллари) орқали дунё халқларининг эътиборини ўзларига қаратмоқчи бўлдилар. Бунга эришдилар ҳам. Улар театр биносига ўз ўлимини бўйинларига олиб кириб келганини ҳам яширишмади. «Жонли бомбалар» — белларига портлатгич ускуналарини танғиган қўпорувчилар гаровдаги 750 нафар кишини ва театр биносини портлатиб юбориб, кулини кўкка совуришларини эълон қилишди.



Бундай пайтда воқеликни шарҳлаётган ОАВ асосан ўта эҳтиёткорлик билан иш тутиши шарт. Бундай дейишимизнинг сабаби, дастлабки соатларда Россия ТВ ҳамда радио каналлари орқали тарқатилган хабарлар террорчилар тутқин этган бино ичкарисидагилар ҳаётини анча таҳликага солиб қўйди.

Гаровга олинганлардан бири Елена Шумова «АиФ»да ёзилишича бундай дейди: «Дастлабки дақиқаларда роса ёлғон-яшиқ сўзлашди — гаровдагиларни қўйиб юборишаётгани, кўп ўтмай эса бизни калтаклашаётганини хабар беришди. Телевизор томоша залидан тепада, иккинчи қаватга ўрнатилган эди. Ўз хоҳишича, террорчилар буйруғига итоат этмай ўрнидан туриб ҳожатхонага йўл олган гаровдаги кишини террорчилар тепдилар ва «Сизнинг репортёрларингиз гаровдагилар калтакланаяпти, дейишмоқда... Мана энди ураяпмиз», — дейишди. Энг даҳшатли томони, аввалги йилларда содир бўлган террорлар натижасидаги қурбонлар сони, уларнинг тафсилоти ҳақида радиодан хабарлар берила бошланди. Бу вазиятни жудаям қалтис даражага олиб келиб қўйди. Биз террорчилардан радиони ўчириб қўйишни илтимос қилдик».

Тўғри, ОАВ ҳодиса тафсилотини шошилиб беришга ошиқади. Бироқ, юзлаб кишилар ҳаёти қил устида турган паллада эҳтирос ва «рақамбоз»ликка берилиш яхши оқибатларга олиб келмаслиги мумкин. Балки россиялик ҳамкасбларимиз шошиб қолишган бўлишлари ҳам мумкин. Ўша куннинг ўзидаёқ сиёсий тадқиқотлар институти мутахассислари: «Театрга кириб олган босқинчи-террорчилар қўлидаги шунчалар қурол-яроғ қаёқдан пайдо бўлди? Ахир улар шу қурол-яроғларни Россия ҳудудига самолётда олиб келишмагандир ёхуд чегара постларидан машиналарга юклаб олиб ўтишмагандир? Бундан ташқари террор юз берган жойдан дастлабки чоғда, тўғридан-тўғри эфирга кўрсатув узатган журналистлар хатога йўл қўйишди. Махсус хизмат вакиллари томонидан ўтказилажак операцияга халал бермаслик керак. Чунки, телерепортажларни террорчилар кўриб турганини ОАВ ходимлари тушунмаслиги мумкин эмас...», — деган фикрларни билдиришди.

1. Террорчи қўл телефони орқали кимлар билан алоқада бўлди?
2. Радио ва ТВ орқали узатилган ноўрин ахборот гаровдагилар ҳаётини қалтис вазиятга солиб қўйди.
3. Терроризмга моддий жиҳатдан кимлар, қандай кучлар мадад бермоқда?
4. Террорчилар қўлидаги қурол-яроғлар ўзга сайёрадан олиб келинганми?

Терроризмнинг миллати йўқ. Худди шундай хулосага келинди. Терроризм — умумбашариятга таҳдид солаётган ёвуз куч. Ўлим. Уруш. Ер шарида тинчликни йўқ қилишга нисбатан қонли юриш. Ҳа, дунё халқлари шундай фикрга келди. Россиядаги фожиадан сўнг, Америка фуқароси, француз, немис, инглиз, ўзбек, қўйинки, ер юзидаги барча инсонлар тинч юртларга, осойишталик тарафдори бўлган миллатлар ҳаётига террор суиқасд қилаётгани хусусида фикр билдирдилар. Шунингдек, дунё миқёсидаги илғор нашрлар ҳам бу фожиага ўзининг ҳаққоний муносабатини билдириб туриб-

ди. ГФРнинг «Зюддойче цайтунг» газетаси шундай ёзади: «Террор — ҳеч қачон адолат ва ҳақиқат тарафда бўлолмайди...» Энг кўп нусхада тарқаладиган яна бир нуфузли немис нашри «Бильд цайтунг»да шундай фикрларни ўқиймиз: «Террорчиларнинг Москвадаги қонли босқини ва кишиларни гаровга олиши шуни кўрсатадики, ер юзининг қаерида яшашдан қатъий назар ҳар бир одам террорнинг қурбонига айланиши мумкин..» «Ди вельт» нашри эса: «Бу — гуноҳсиз одамларга қарши очиқдан-очиқ террордан бошқа нарса эмас...», — деб бонг урди... Англиялик журналист Франкеттининг гувоҳлик беришича, у террорчилар бошлиғи Бараев билан театр биноси ичида суҳбатлашаётган чоғи, икки маротаба унинг орқаворотдаги «сафдошлари», террорчи қўл телефонига қўнғироқ қилишган ва «гаплашиб олишган».

Яна бир масала... Ўша даҳшатли онларда Россия махсус хизмати вакиллари террорчиларнинг қўл телефони орқали «ташқари» билан боғланиб турганини, улар бир неча давлатларнинг абоненти эканлигини аниқлашган. 25 октябрь кечаси Мовсар Бараев хориждаги шеригига: «Эртага иш бошлаймиз ва биринчи галда, тетикларини отиб ташлаймиз» деб ҳисобот беради.

Хорижий матбуотда тарқатилаётган маълумотларга кўра, бир қанча каллакесар террорчилар федерал қидирувда. Улар ҳозиргача тинч инсоният ҳаётига хавф солмоқда. Ҳатто уларнинг қўл телефонлари рақами айрим журналистларда ҳам бор. Албатта, бу тафсилотлар ечими махсус ташкилотлар эътиборидан четда бўлмаса керак. Бироқ, ер юзида бир-бири билан чатишиб-чирмашиб кетган террорчиларнинг моддий маблағ билан қандай таъминланаётгани, улкан шаҳарлардаги банкларда уларнинг махсус ҳисоб рақамлари мавжудлиги ҳам эндиликда сир бўлмай қолди. Ҳар йили бу каллакесар тўдалар миллионлаб доллар йиғишмоқда. Терроризмга моддий кўмак олиш учун имконият бераётган баъзи бир банклар номи ҳам матбуотда ёзилмоқда. Энг даҳшатлиси, бутун башариятни қон қақшатган қотил гуруҳлар — террорчиларнинг турли хил ташкилотлари ер юзининг айрим жойларида иш олиб бораётгани ҳам сир эмас. Гапнинг очиғи, террорчилар «қора бозор»лардан янги-янги қуроллар сотиб олишмоқда... Терроризмнинг нафақат жон сақлаши, оёққа туриши, ер юзида, барчамизга янада хавф-хатар солиб, даҳшат оловини ёқиши учун ўзга сайёрада шарт-шароитлар яратилаётгани йўқ, албатта. Наркобизнес, қурол-яроғ савдосига қарши бутун тинчликпарвар кучлар бирикиб қарши бормаса, инсоният ҳаёти ҳалокат жари ёқасига бориб қолаверади... Бунинг учун авваламбор ҳар биримиз ўзимизда ер юзи қисматига дахлдорлик туйғусини ҳис қилишимиз керак. Бугун инсоният олдида сўнгсиз саволлар турибди...

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

«ҲУҚУҚ» ЎЙЛАНМАСИ

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Қонунда қайд этилган ҳамма учун белгиланганидан ортиқ ҳақ-ҳуқуқ, шароит. 2. Ёзма ҳолдаги илтимос ёки шикоят. 3. Республика президентининг қонун кучига эга бўлган кўрсатмаси. 4. Маълум бир фаолиятга оид қонун-қоидалар мажмуи. 5. Қонун-қоидаларга ҳилоф бўлган иш ҳаракати. 6. Суд муассасалари мажмуи. 7. Бирор нарса олганлик ҳақида жавобгар шахс ёзиб, имзо қўйган расмий ҳужжат. 8. Бирор фаолиятни амалга ошириш тартиб-қоидаси. 9. Мусулмонликда «Қуръони карим» асосида ишлаб чиқилган диний жиноий ва фуқаролик қонуни мажмуи. 10. Давлат мукофоти рамзи. 11. Бирор касб-ҳунар билан шуғулланиш бўйича рухсат берилганлиги ҳақидаги ҳужжат. 12. Расмий ҳужжатнинг рақам билан ажратилган мустақил бўлими. 13. Ҳуқуқнинг бирор соҳасига оид қонунлар тўплами. 14. Ҳаммага бир хил назар билан қаровчи, бетараф. 15. Маъмурий ҳудудий маскан. 16. Томонларнинг бирор фаолиятни амалга оширишга оид шартномаси. 17. Масъул вазифа, амал. 18. Давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган ва барча учун адо этилиши мажбурий бўлган расмий ҳужжат.



19. Бирор давлатнинг турғун аҳолиси. 20. Оила бунёд бўлишидаги расмий маросим.

МУАММОНОМА: Аввало қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Эгасининг шахси ва фуқаролигини кўрсатувчи ва тасдиқловчи ҳужжат — 24, 6, 20, 24, 5, 16, 2.

2. Бирор воқеа-ҳодиса рўй берган пайтда шахсан бўлган киши — 17, 7, 23, 5, 19.

3. Давлат органлари тизимида бирор йирик иш ёки хўжалик соҳасига раҳбарлик қилувчи идора — 8, 5, 10, 18, 6, 16, 13, 6.

4. Иш фаолиятини амалга оширишдаги йўл-йўриқ — 4, 12, 16, 20, 6, 2, 13, 6.

5. Виждон билан инсоф юзасидан иш тутиш, тўғрилик — 19, 6, 3, 5, 3, 3, 1, 4.

6. Баъзи нарсаларни таққослаш, баҳолаш учун ўлчов — 13, 11, 22, 5, 9.

7. Бирор ишда кўмак берувчи, мададкор — 21, 16, 14, 6, 13, 15, 1.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқич сўзлари жавобларидаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда ибратли сўзларни билиб олишга муваффақ бўласиз.

■ **Фозилжон ОРИПОВ тузди.**

ШЕЪР ВА ШУУР

БОЛАЛИГИМ БЕШИГИ



МУШТИПАР ОНАМ

Букун болалигим ўлкасида кезиб, онамни кўрдим, капалак умридай қисқа умрин сўнгги кўнларида.
— Бунчалар озғинсиз, бунчалар толғинсиз, кўзларингиз чўккан қаърига. Ўқтин-ўқтин йўталасиз, — дейман шивирлаб.
Онам бўлса тикилар юзларимга,
тикилар кўзларимга.
Бўйларимга қарайди.
Қарайди уст-бошимга.
Марварид томчилар
йиқилар киприкларидан.
Нимадир демоқчи бўлар онам.
Бироқ айтолмайди. Сўзлар бўғзида.
Сўзлар кўзларида...
...Букун билсам:
«Болам тўёлмаяпман дийдорингга,
тўёлмаяпман сўзларингга,
тўёлмаяпман бўй-бастингга,
— деган қонли сўзларни айтолмаган экан
ўшанда муштипар онам.
Мен нотавон онамни тушундим жуда кеч.

ҚЎШИҚ

Кеча...
Ухлар қушлар.
Шамол йўқ.
Ухлар сукунат
Шоирлар ором тўшакларида.
Янграр қўшиқ,
Янграр қўшиқ.
Бутун борлиқ келар ларзага,
Келар ларзага.
Қайдан янграр у?
янграр у!
Билмадим...
Ой ноласимикан?
Юлдузлар ҳайқириғи,
денгиз ғалаёни,
тоғлар садоси
Ё булбул фиғони.
Уйғонар оҳулар,
уйғонар қушлар
уйғонар осмон
тўлғонар замин
уйғонар миллат,
ВАТАН уйғонар..

КУЗ ОВОЗИ

I
Ярим тунда
уйқудан уйғотди
куз овози
оҳ, қандай маъюс
қандай ғамгин
барг каби титради вужудим.

II
Шудрингли тонг
япроқдай сарғайган
дўстим ҳузурида
қуёшдан вахлироқ
юрагим кўрларин сочаман.

III
Кўзларимдан сузиб ўтар
елкасига
хазон япроғи қўнган одам
У жуда ўхшар
чўкиб қолган тоққа.

IV
Жунжикасан
совуқ едингми оқ каптар
гар тегрангда куз
умринг осмонларида
қорли қишлар бор ҳали.

✧✧✧

Тун билан чертилар деразам кўзи,
энтикиб қарайман кўринмас ҳеч ким.
Қулоғимга кирар кимнингдир сўзи,
қарайман ҳеч кимса йўқ, ҳаммаёқ жим.

Тун билан деразам чертилар, бироқ...
дунё кўзларимга бўлар омонат.
Юрагимни куйдириб киради фироқ,
қайдасан руҳимдан учган ҲАЛОВАТ?..

■ **Турсун АЛИ**

СУРНАЙ НАВОЛАРИ

Ривоят қилишларича, қадим замонларда, бир юрт подшоси хонадонида гўдак дунёга келибди. У ёруғ оламга келганидан бошлаб, тинимсиз йиғлар экан. Онанинг аллалари, ҳаёт томири кўкрагини тутиши уни овутолмабди. Кекса момолар барча амалларни қўлласалар ҳам гўдак чинқириғи саройни тутибди. Табибларнинг муолажалари, минг хил тадбирлардан наф бўлмабди. Жаҳл отига минган подшо етти иқлимга чопар юборибди. Табиблар, қушночлар, фолчилар келиб кетаверибди. Шунда мўъжиза юз бериби. Саройга оддий кийимдаги бир одам ташриф буюрибди. Унинг қўлида қандайдир бир мўъжазгина асбоби бор экан. У барчага таъзим бажо келтириб, гўдак томонга юзланибди. Ва қўлидаги ёғочдан ясалган асбобини олиб уни чала бошлабди. Ҳамма ҳайратда. Йиғлаётган чақалоқ, йиғидан тўхтабди. Куй оҳангига маст бўлиб, уйқуга кетибди. Ҳамма жим. Бояги киши яна барчага бош эгиб, саройдан чиқиб кетаётганда, уни подшо тўхтатибди.

— Тила-тилагингни, эй мўътабар одам, — дебди.

— Мен санъаткорман. Қўлимдаги асбоб эса сурнай, биргина ўтинчим бор. Қаерда фарзанд туғилса, мени ўша жойга чақиришса. Мен дунёга янги келган меҳмонни гўзалликка, мусиқага ошно этсам. Салтанатингиздаги хонадонларда фақат ёвқур йигитлар, гўзал, бокира қизлар туғилса-ю мен сурнай чалсам.

Бу сўзларни эшитган подшо, барча чақалоқ туғилган хонадонларда сурнай чалинсин, дея аёнларига топшириқ берган экан.

Ташқарига чиққан сурнайчини карнайчи ва доирачи араз билан кутиб олибди.

— Сен бизни айирдинг, аслида сен қаерда бўлсанг, биз ҳам шу ерда бўлишимиз керак, дейишибди.

Шундан буён неча асрлар ўтса-да, тўйларда, шодиёналарда, байрамларда сурнай, карнай, доира ёнма-ён юраркан. Сурнай куй чалса, карнай наъра тортиб барчани чорлар, доира эса келаётганларнинг қадам товушига ҳамоҳанг овоз чиқарар экан. Улар борган жойда қувонч, шодлик, бахт ҳукмрон.

Бугун юртимиз улуғ тўйлар арафасида турибди. Деҳқон меҳнати сарҳисоб бўлмоқда. Бундай шодиёналарда карнай-сурнай наволари оламни тутади.

■ **Фарруҳ ҲАМИДУЛЛО**

✧✧✧

СУРАТЛАРДА: Шавкатжон Қосимов раҳбарлигидаги «Астробод» гуруҳи аъзолари.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЮЛДУЗЛАР НИМА ДЕЙДИ?

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ (11-17 НОЯБРЬ)

Замонлар ўзгаради. Инсон бу дунёга бир меҳмон. Фақат бошимиз узра порлаб турган юлдузлар ёғдусигина мангу. Улар нима дейди?

КЎЙ (21.3-20.4)

Агар инжиқлик ва ўжарлик қилавермасангиз, дуч келган қийинчиликларни бартараф этасиз. Ишингиз бароридан келади. Фақат ҳовлиқиб кетманг, етти ўлчаб, бир кесинг. Ҳафта охирида сизни муҳим учрашув кутмоқда.

БУЗОҚ (21.4-20.5)

Ишхона ва кўни-қўшничиликдаги кўнгилсизликлардан асло чўчиманг. Муросаи-мадора деганларидек, ҳар бир қарорингизни пухта ўйланг. Яқинларингиз билан бамаслаҳат иш тутинг. Ҳафта охирида таранг вазият юмшаб, фойдали алоқалар пайдо бўлади.

ЭГИЗАКЛАР (21.5-21.6)

Ишингиз юришмаётганлиги учун бировни айблашдан наҳот. Яхшиси ўз хатти-ҳаракатингизни таҳлил қилинг. Молиявий аҳволингизни ўнглаш учун сарфларингизни пухта назорат этинг. Соғлиғингизга ҳам эътиборли бўлинг.

КИСКИЧБАКА (22.6-22.7)

Гарчи ўйлаган баъзи ниятларингиз амалга ошмаса-да, бундан асло хафа бўлманг. Қатъият ва фаолликни оширинг, шунда амалий таклифлар қуршовида бўласиз. Дарвоқе, ҳафтанинг иккинчи ярмида эҳтиётқорлик зарур.

АРСЛОН (23.7-23.8)

Оғир-босиқликда гап кўп, акс ҳолда турли можароли вазиятларга тушиб қолиб, обрўйингизга путур етиши ҳеч гап эмас. Соғлиғингиз панд бериши ҳам мумкин. Ҳафта охирига келиб ҳаётингиз одатдаги маромга тушади. Кучингизни ҳуда-беҳудага сарфламасангиз, ўйлаган ниятингизга эришасиз.

ПАРИЗОД (24.8-23.9)

Фаоллигингиз жўшади. Лекин кўнгилсизликларга учрамай десангиз, гавжум жойларга бормаганингиз маъқул. Ҳафта ўрталарида вазият ўзгаради. Дарвоқе, ишга берилиб кетиб, шахсий ҳаётингизни унутиб қўйманг. Йирик харидлар ва фойдали битимлар тузиш учун ҳафта охири қулай.

ТАРОЗУ (24.9-23.10)

Бирон ишга ёки лойиҳага бош-қош бўлишингиз мумкин. Ишларни пухта ўйлаб режалаштиринг, акс ҳолда обрўйингизга путур етиши ҳеч гап эмас. Дарвоқе, молиявий ишларда ҳушёр бўлинг.

ЧАЁН (24.10-22.11)

Молиявий аҳволингизни ўнглаш борасида туғилаётган имкониятни қўлдан чиқарманг. Ҳамкорлар билан бамаслаҳат ва баҳамжиҳат иш тутинг. Яқинларингиз билан муносабатда босиқ бўлинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Ушбу ҳафтада тижорат ишларига қўл урмаганингиз мақсадга мувофиқ. Қариндошлар ва ҳамкасблар билан муносабатдаги тушунмовчиликлардан кўнглингиз хира бўлиши мумкин. Лекин бунга парво қилманг. Ойнинг ўн беши ёруғ деганларидек, ҳаммаси ўз ўрнига тушади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-20.1)

Ҳафта сиз учун ўзига хос синов даври бўлади. Турли тушунмовчиликлар ва кўнгилсизликлардан асло қўрқманг. Ҳушёрроқ бўлинг, тасодифий танишларга ишонманг. Акс ҳолда, алданиб қолишингиз мумкин.

ҚОВҒА (21.1-19.2)

Кутилмаган вазиятлар туфайли ҳаётингиз издан чиқиши мумкин. Ҳамкорлар билан тушунмовчиликлар, дўстлар ва қариндошлар билан муаммолар туғилиши мумкин. Лекин буларнинг ҳаммаси ўткинчи. Зеро, ҳафта охирида ҳаммаси яна ўз изига тушиб кетади.

БАЛИК (20.2-20.3)

Ҳафта бошиданоқ омад яна сизга қулиб боқади. Яқинларингиз билан муносабатларингиз яхшиланади. Касбий фаолиятингиз муносиб тақдирланади: ишда кўтарилишингиз ёки маошингиз ошиши мумкин.

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

«ЮРТИМ НАФАСИ»

Яқинда «Зарафшон» нашриёти жомбойлик 50 нафарга яқин ижодкорларнинг наср ва назмдаги ижод намуналарини «Юртим нафаси» номи билан кўп нусхада чоп этди. Китобнинг нашр этилишига туман ҳокимлиги ҳомийлик қилган. Ҳоким Пирмат Ўсаров муҳтасар сўзбоши ҳам ёзган.

Аҳмад Аъзам, Ойхумор Асадова, Ҳафиза Ўсарова, Барот Нодиров, Ёрмамат Рустамов, Хўроз Абдусаломов каби таниқли ижодкорлар билан бир қаторда Адиба Холматова, Нигина Нуриддинова ва бошқа ёш қаламкашларнинг ижод намуналари баёзнинг ўқишлилигини оширган.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ**

ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

Отангни кўрсанг отдан туш.

✧✧✧

Отангга берганингни болангдан оласан.

✧✧✧

Олдин дўст топ, сўнгра йўл бос.

✧✧✧

Ялқовлик — муҳтожликнинг эшигидир.

✧✧✧

Бахил топса бошқа ер,
Сахий топса барча ер,

✧✧✧

Сахий хор бўлмас
Бахил бойимас.

■ **Тўпловчи Юнус ЗИЁДОВ**

«РАҲМАТ СЕНГА, ЭСМЕРАЛЬДА!»

ЁКИ СЕРИАЛ ТОМОША ҚИЛАЁТГАНДА ҲОВЛИГА ҚОРОВУЛ ҚЎЙИШНИ УНУТМАСЛИК ҲАҚИДА «ОГОҲЛАНТИРИШ»

Сериалларни кўп томоша қилдик. Ўзимизники бўлмаса ҳам, айрим жиҳатлари бизнинг турмуш тарзимизга ёт бўлсаям, роса кўрдик. Уларнинг рўйхатини тузиш ҳам мумкин: «Бойлар ҳам йиғлайди», «Оддий Мария», «Морена Клара», «Даллас», «Муҳаббат қаҳваси», энди эса «Эсмеральда»... Сериал мухлиси эмасман, шунинг учун битта-яримтасини тушириб қолдирган ҳам бўлишим мумкин.

Сирасини айтсам, кўрганларимнинг ҳаммасидаги воқеалар хотирамда аралаш-куралаш бўлиб кетган. Кўпчилигида бир хил сюжет — камбағал қизнинг бирданига бой хонадон фарзанди бўлиб чиқиши ҳақида ва ҳоказо. Ҳар ҳолда қанча одамга овунчоқ бўлаяпти сериаллар.

Яқинда бир дугонамнинг уйида бўлдим. У 6 яшар ўғлини чақириб, менинг олдимда ғурур билан сўроққа тутди.

— Гавйотани танийсанми, ўғлим?

— Ҳа, уни Себастьян яхши кўради.

— Себастьяннинг хотинининг исми нима?

— Лучия. Себастьян унга қарамагандан кейин у Мигель билан қочиб кетди...

— Ўғлинг жа билағон-ку, — дедим дугонамга. — Болага сериал томоша қилишга рухсат берибсан, нозикроқ жойларида нима қиласан?

«Нозикроқ жойи» нима эканини 6 яшар бола яхши тушунар экан, онасидан бурун жавоб қилди:

— Бошланганидан тескари қарайман, тугаганидан кейин ойим «Бўлди, қарайвер», дейдилар...

Хуллас, сериаллар кўпчиликка эрмак бўлиб қолди. Айниқса, уй бекаларининг куни туғди. У сериядан бу сериягача қаҳрамонларнинг ташвиши билан яшаб юришади, бояқишлар.

— Кеча Гавйота билан Себастьян яраширди, — дейди бир қўшним Себастьян билан худди ўзи яраширгандек қувониб.

Болтабой ака деган танишим эшиги олдидаги кафтдек гулзорни суғориш учун «Кама» насосини ёқиб қўйибди. Бу орада «Эсмеральда» бошланибди. Табиийки, бутун оила аъзолари, жумладан Болтабой ака ҳам телевизор қаршисига югуришибди. Эсмеральдани ўрмондаги уйига кузатиб қўйиб, чиқиб қарашсаки, э воҳ, насос ўрнида йўқмиш. Ўмариб кетишибди.

Яқинда яна бир қизиқ гап эшитдим. Қишлоқларда молхона уйдан 20-30 метр нарида жойлашади. Кечки соат 9 нинг у ёқ-бу ёғида қўшни қишлоқдаги бир одамнинг бузоғини молхонадан етаклаб олиб чиқиб кетишибди. Ҳатто, молхона деворига бир бўлак ғишт синиғи билан «Раҳмат сенга, Эсмеральда» деб ёзиб қўйишибди.

Айтаверсам, гап кўп: бир уй бекаси «Эсмеральда» бошланғунча дог бўлиб қолар деб 5 литр пахта ёғини газга қўйибди. Олдинги серияда Бланкага Эсмеральда унинг қизи эканини айтишган экан, қизи кириб келганида онаси қандай аҳволга тушишини кўрай деб кўп эмас, озгина қизиқибди: ошхонага кирса (тўғрироғи, ошхонага кириб бўлмабди) ёғ тугул ошхона ҳам «доғ» бўлиб қолган экан...

Бунинг нимаси ваҳима, дейсизми? Ҳеч қанақа ваҳима қилаётганим йўқ. Кичкинагина маслаҳат бермоқчиман — сериал бошланганда оила аъзоларингиздан биттасини ҳовлига қоровул қилиб қўйинг — ашқол-дашқол, мол-ҳол дегандек. Қоровул ҳам ишқибоз бўлса, эртаси такрорини кўраверади.

Барибир сериалларни севамиз! Озгина вақт бўлса ҳам ўзимизнинг ташвишимизни унутиб, Эсмельданинг дардига шерик бўламиз, унга қўшилишиб йиғлаймиз. Худо хоҳласа, Эсмельданинг тўйига ҳам бирга борамиз... кечирасиз, бирга кўрамиз!

■ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА**

OAJ «Tajriba-texnik korxonasi»

700020 г. Ташкент, ул. Уйгура, 103.

Раскрытие информации участника рынка ценных бумаг.

Информация о существенных фактах.

Номер сообщения 09.

OAJ «Tajriba-texnik korxonasi» 16 декабря 2002 г. в 11.00 час.

проводит внеочередное общее собрание акционеров по

адресу: г. Ташкент, ул. Уйгура, 103.

Повестка дня:

1. О переизбрании Наблюдательного совета OAJ «Tajriba-texnik korxonasi».

2. Прочие

Наблюдательный Совет.

ДЎСТ ХОТИРАСИ

Ўзбекистон тиббиёт фани ва жамоатчилиги оғир жудоликка учради. Вирусология соҳасидаги йирик олим, кўплаб шогирдлар тайёрлаб бу соҳа ривожига катта ҳисса қўшган, тиббиёт фанлари доктори, профессор, **Саид Саибович Мақсумов** 2002 йил 31 октябрь куни 75 ёшида вафот этди.

Профессор Саид Саибович Мақсумов тиббиётнинг энг мураккаб соҳаларидан бири бўлмиш вирусология борасида илмий изланишлар олиб борган ва қизамиқ, грипп, шол касалликларининг олдини олишда кўплаб ишларни амалга оширган. Айниқса, Ўзбекистонда шол касаллигига бутунлай барҳам беришда, қизамиқ, дифтерия, коқшол ва кўк йўтал касалликларининг кескин камайтирилишида олимнинг хизматлари катта бўлган.

Саид Саибович Мақсумов, Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топиб, 1948 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини тамомлади. 1949-1952 йилларда Москва шаҳридаги Вирусология илмий-тадқиқот институтида аспирантурада ўқиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгач, 1952-1954 йиллар давомида мазкур институтда илмий ходим сифатида фаолият кўрсатди. 1954 йилдан 1961 йилга қадар Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институтида бўлим мудири бўлиб ишлади. 1962 йилдан бошлаб 1997 йилга қадар эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институтида вирусология бўлими ва лабораторияси мудири вазифасида ишлаб, республикамизда илмий ва амалий тиббиётни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. У 1997 йилдан умрининг охирига қадар республика Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида Вирусологик текширишлар бўлими бошлиғи лавозимида ишлади. Унинг раҳбарлигида вирусология соҳасига бағишланган чуқур илмий изланишлар олиб борилди ва юқумли касалликлар профилактикаси бўйича салмоқли натижаларга эришилди.

Саид Саибович Мақсумов ўзининг илмий-амалий фаолияти даврида 200 га яқин илмий мақола, қўлланма ва рисолалар чоп эттирди ва ўнлаб фан номзодлари ҳамда докторлари тайёрлади.

Саид Саибович Мақсумовнинг тиббиёт фанини ривожлантиришга қўшган хизматлари муносиб баҳоланди. У қатор орден ва медаллар, «Тиббиёт аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотланган.

Йирик олим, машҳур вирусолог Саид Саибович Мақсумовнинг ёркин хотираси қалбимизда доимо сақланиб қолади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва технологиялар маркази

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади

Халқаро маркетинг ва менежмент кафедраси,
кафедра мудири, 1 ўрин;
Инглиз тили кафедраси
№1, катта ўқитувчи, 2 ўрин;
Хитой филологияси кафедраси,
катта ўқитувчи, 1 ўрин;
Туркиёт кафедраси,
ўқитувчи, 1 ўрин;
Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси,
ўқитувчи, 1 ўрин;
Исломшунослик кафедраси,
катта ўқитувчи, 1 ўрин;
Сиёсатшунослик кафедраси,
катта ўқитувчи, 1 ўрин;
Герман тиллари кафедраси,
катта ўқитувчи, 1 ўрин;
МДҲ, Европа ва Америка мамлакатлари иқтисоди кафедраси,
катта ўқитувчи, 1 ўрин;
Инглиз тили кафедраси
№2, катта ўқитувчи, 3 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (фотосурат билан)
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида аттестат.
4. Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.

БИЗНИНГ МАНЗИЛ: 700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ШАҲРИСАБЗ (СОБИҚ ЛОҲУТИЙ) КЎЧАСИ, 25, ТЕЛ:. 133-44-36.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ЛЮК ВОВЕНАРГ — ФРАНЦУЗ МУТАФАККИРИ, ЁЗУВЧИ. 1715-1747 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

☯ Одамларга таъсир кўрсатиш — бойликдан қимматлироқ.

☯ Мана, нима учун ҳам файласуфларни бажонидил ўқимайдилар: улар бизга таниш нарсалар ҳақида жуда кам гапирадилар.

☯ Ким худди ўлмайдигандай яшаса, ўшагина улкан ишларга қодир.

☯ Қишида кучли, аммо, бир-бирига зид эҳтиросларнинг қанчалик кўп бўлса, у нимадаки бўлмасин, ўшанда биринчи бўлишга шунчалик кам қодир.

☯ Иззатталаблик — истеъдодлиликнинг, жасурлик — доноликнинг, эҳтиросларнинг — ақлнинг, ақл эса — билимнинг аломати ёки, аксинча, чунки, вазият ва шароитларга кўра, ҳар қандай ҳодиса — ё яхши, ё ёмон, ё фойдали, ё бефойда.

☯ Гоҳида, одамларга, ҳатто, уларнинг самимийлигига ўзлари ишонмайдиган мақтовлар ҳам ёқадилар.

☯ Ўлим ҳақидаги фикр хиёнаткорона: унинг асирига айланиб, биз яшашни унутиб қўямиз.

☯ Сўзамолликни билимдан афзалроқ кўрса бўлади.

☯ Инсон бошқа — ўзига ўхшаган кишиларда юксак вазифаларни адо этиш қобилиятларини унчалик баҳолайвермайди. Буни уддасидан муваффақият билан чиққан марҳумнинг хизматларини эътироф этиш, — биз қодир бўлган нарса мана шу, холос.

☯ Тентаклар, одамларнинг ўйлаганларига қараганда, оз: одамлар, ҳақиқатан, бир-бировларини тушунмайдилар.

☯ Қасосини олгандан сўнг, биз унутишимиз мумкин бўлмаган хафагарчилик йўқ.

☯ Сиёсат билан қанчалик зўр шуғулланмагин, ҳукмдорлар ўртасидаги шартномалардан зерикарли ва чарчатадиганроқ ўқишни топишинг даргумон.

☯ Шуҳратпараст кишилар — ёмон дипломатлардирлар: улар сукут сақлай олмайдилар.

☯ Биздан кейингилар, эҳтимол, биздан кўп биладилар ва ўзларини ақллироқ ҳисоблайдилар, бироқ, улар бахтлироқ ва донороқ бўлармиканлар? Наҳотки, шунчалик кўп биладиган бизнинг ўзимиз, шунчалик кам билган оталаримиздан яхшироқмиз?

☯ Данғал айтишга журъат қиламан: ақл — файласуф, шуҳратпарастлик — қаҳрамон қилса, саховатгина — доно қилади.

☯ Умумқабул қилинган нарсаларни масхара қилмаслик лозим. Бу — унинг ҳимоячиларини фақат ғазаблантиради, бироқ, уларни ҳеч ҳам довдиратиб қўймайди.

☯ Агар, ҳатто, ўз тажрибамиз бизга шунча кам сабоқ берар экан, энг яхши маслаҳатларнинг фойдаси нечоғлик кам.

☯ Чорасизлик — хатоларимиздан улканидир.

☯ Ақл бизни кайфият таъсири остида амалга ошираётган бемаъниликлардан қутқармайди.

☯ Одам қанчалик ақлли бўлса, у тушуниб бўлмайдиган бемулоҳазаликларга шунча кўп мойил бўлади.

☯ Кўплаб мардонавор ниятларни, уларни ўта журъатсиз ижро этиш туфайли, амалга ошириб бўлмаган.

☯ Истеъдодли одамнинг ўз манфаатига риоя этиши тентакларни ҳамиша таажжублантиради.

☯ Умид — барча ҳаётий неъматлардан энг фойдалиси ёки энг ҳалокатлиси.

☯ Мардлик — бевафо тақдирдаги машъалдир. Бу тўғримикан?

☯ Улкан файласуфлар — тафаккур оламининг даҳоларидирлар.

☯ На азалдан маълум ҳақиқатни такрорлашдан, агар уни муваффақиятли баён этиш туфайли тушунарли бўлишга эришилган бўлса, на уни, биринчисини аниқлаштириб, исботнинг янги ҳалқасини ташкил этадиган, бошқа ҳақиқат билан қўшишдан қўрқмаслик айни нарсаларни таққослаш ва уларнинг алоқаларини билиш маҳоратидадир: қадимги муаллифларнинг кашфиётлари, уларнинг ўзларига қараганда, ушбу кашфиётларни фойдали қилганларга кўпроқ тааллуқлидир.

☯ Ёвузликнинг, баъзан, муқаррарлигини эътироф этишга тўғри келади: ҳарбий хизматдан қочишларнинг олдини олиш учун одамни, карнай ва дўмбиралар наъраси остида, отиб ташлайдилар, ва бундай ваҳшийликни четлаб ўтиб бўлмайди.

☯ Севги худбинликдан кучлироқ: аёлни, ҳатто, у сиздан нафратланганда ҳам, севиш мумкин.

☯ Агар пурҳикмат ибора изоҳга муҳтож бўлса, демак, у кўнгилдагидек чиқмаган.

☯ Баъзилар табиий ҳодисаларнинг негизида битта асос ва битта умумий сабаб ётади, деб ўйлайдилар, аммо, бу ундай эмас: менга, мен эса эркин мавжудотман, Коинотнинг манзарасини ўзгартириб юбориш учун қорда нафас олишнинг ўзи етарли. Табиатнинг ҳукмронлигини ўз тантиқлиги билан йўққа чиқарадиган бехисоб арбобчалар гиж-гиж бўлиб ётган Ерда у ягона қонун билан бошқарилади, деб ўйлаш — қандайин овунтирувчи хатолик.

☯ Битта ҳам фазилатга эга бўлмаслик, ҳеч қандай камчиликка эга бўлмаслик каби, мумкин эмас.

☯ Улкан нарсаларга журъат этиб, яхши номингни муқаррар таҳлика остига қўясан.

☯ Янгилик — даҳонинг ягона шубҳасиз аломати.

☯ Агар қандайдир янгиликнинг ўзини тутиб олиши қийинчилик билан юз берса, бу унга заруратнинг йўқлигини билдиради.

☯ Давлат учун зарур ўзгаришлар, одатда, кимнингдир иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда юз берадилар.

☯ Ақл фақат шижоат билан улканлик чўққиларига парвоз қилиши мумкин.

☯ Лабрюйер, балким, ўта улкан файласуф бўлмаса-да, аммо, улкан санъаткор бўлган; герцог де Ларошфуко, санъаткор эмас, аммо, файласуф бўлган.

☯ Локк ўта мавҳум ёки ноаниқ, баъзан эса кам тушунарли ҳам, бироқ, улкан файласуф бўлган.

☯ Ёқимли бўлиш санъати, бу — алдай билиш маҳорати.

☯ Ким ҳамма нарсага чидай билса, у ҳамма нарсага журъат этиши мумкин.

☯ Айрим ҳақоратларни, ўзингни бадном қилмасдан, индамай ютиб юборган яхши.

☯ Менинг ёшгина хизматкорим бор эди. Бир куни, саёҳат қилаётиб, кечки овқатни бир танишим билан бирга қилдим, ва менинг хизматкорим танишимнинг жуда ақлли одам эканлигини айтди. Мен ундан одамнинг ақли ҳақида қайси аломатларга кўра фикр юритишини сўрадим.

— Ақлли одам доим ҳақиқатни гапиради.

— Яъни, ҳеч кимни алдамайдими?

— Йўқ, тақсир, ўзини ўзи алдамайди.

Мен шу заҳотиёқ бирон-бир доно яхшироқ жавоб бера олмас эди, деб хулоса қилдим.

☯ Юқори лавозим, баъзан, яна истеъдодга ҳам эга бўлиш заруратидан халос этади.

☯ Улкан қироллар, саркардалар, сиёсатчилар, ажойиб ёзувчилар — буларнинг барчаси одамлар; бизни ҳанг-манг қиладиган дабдабали сифатлашлар ушбу таърифга ҳеч нима қўша олмайди.

☯ Ёвузликка қарши курашишга отланишдан олдин, чамалаб кўринг, сиз уни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этишга қодирмисиз?

☯ Барча одамлар самимий бўлиб туғиладилар, лекин, ёлғончи бўлиб ўладилар.

☯ Қўрқув ва умид одамни ҳар нарсага ишонтириши мумкин.

☯ Инсоний бўлмасдан, адолатли бўлиш мумкин эмас.

☯ Раҳмдиллик адолатлиликдан афзалроқ.

☯ Ялқовлар ҳамиша нимадир қилмоқчи бўладилар.

☯ Бировнинг гапига кўра йўл тутиб, улкан ишларни амалга ошириш камдан-кам кишиларга насиб бўлган.

☯ Ким улкан мақсадларни рўёбга чиқаришга қодир бўлмаса, у улкан ниятлардан нафратланади.

☯ Яхши номдан фойдалироқ ҳеч нима йўқ, ва фазилатдан ўзга ҳеч нарса уни бундай мустаҳкам қилиб ярата олмайди.

☯ Ким ўз ҳалол-поклиги учун тўлов талаб қилса, у кўпроқ ўз ор-номусини сотади.

☯ Ор-номус савдоси бойитмайди.

☯ Майли, одамлар ўз зарарларига ҳар қандай хатоликларга йўл қўяверсинлар, фақат улар энг ярамас тажовуз — ўзга иродага тобеликни четлаб ўта олсинлар.

☯ Ёлғон фикрни аниқ ифода эт, ва у ўзини ўзи рад этади.

☯ Файласуфларнинг ҳазили шунчалик мўътадилки, уни жиддий фикрлашдан ажрата олмайсан.

☯ Шундай одамлар борки, улар фақат ёзувчидан хато топиш учун мутолаа қиладилар.

☯ Эски ҳақиқатларни севишга мажбур этадиган китоб — энг янги ва энг ўзига хос китобдир.

☯ Ким қонундан ҳам қаттиққўлроқ бўлса, ўша — золим ҳукмдордир.

☯ Одамлардан қўркиш — мана қонунларга муҳаббатнинг сарчашмаси.

☯ Қуллик одамни, у кишанларини сева бошлагунига қадар, хўрлаб бўлади.

☯ Баъзан, аллақачон тузилган партияда ҳукмронликни аста-секин қўлга киритишга уринганда кўра, янги партияни тузган осонроқ.

☯ Негизида ақл билан иш қилиш далиллари ётган партияни йўқ қилиш ҳаммасидан ҳам осонроқ.

☯ Бизнинг қобилиятларимиздан ишончлироқ ҳомийларимиз йўқ.

☯ Сизнинг қизиқишларингизга кириб, ўзиникилар ҳақида гапирмайдиган кишининг эътибори ва ишончига суянманг.

☯ ... Барча роҳатларимиз билан биз одамлардан миннатдормиз, бошқалари ҳисобга кирмайди.

☯ Бир кишини бошқариш, баъзи вақтда, бутун халқни бошқаришдан қийинроқ.

☯ Аҳмоқ одамлар ақллиларни ҳеч қачон тушунмайдилар.

☯ Афтидан, одам, табиатан, мустақил яшашга қодир эмас.

☯ Муаллифни танқид қилиш осон, аммо, уни баҳолаш – ҳаммасидан қийин.

☯ Одамнинг биздан ҳурмат қилишга арзийдиган нарсани топа олмаганини ҳис этишимиз биланоқ, — биз ҳам уни деярли ёмон кўра бошлаймиз.

☯ Барча ва ҳамма нарсалар тўғрисида фақат яхши нарсаларни гапириш — ёмон ва майда сиёсатдир.

☯ Одамлар, одатда, ўзларининг яқинларини уларга яхшиликни исташ баҳонасида азоблайдилар.

☯ Агар одам юксак ва мардонавор қалб билан туғилган бўлса, агар у меҳнаткаш, мағрур, иззатталаб, лаганбардорликдан нарида, унинг ақли эса чуқур ва пинҳоний бўлса, мен дадил айта оламанки, унда катта амалдорлар уни сезмасликлари учун зарур ҳамма нарса мавжуд: улар, ким билан золимона муносабатда бўла олмасалар, ўшалардан, бошқаларга қараганда, кўпроқ кўрқадилар.

☯ Ютуқ дўстларни кам яратади.

☯ Муҳаббат жўшқинлиги — инсон зотининг илк ижодкори.

☯ Фарзандларнинг ота-оналарга нисбатан нонкўрлиги, бу — энг ярамас, аммо, шунинг билан бирга, ҳам энг оддий, ҳам энг азалий кўрнамакликдир.

☯ Ҳасад исботсиз айблайди ва ҳукм чиқаради, у нуқсонларни кўпайтиради, арзимаган хатоларга жарангдор номлар беради; унинг тили заҳар, бўрттириш ва адолатсизлик билан тўлиб-тошган.

☯ Ҳамиша ўзига хос бўлишга чиранадиган одамдан соғлом фикр чиқиши камдан-кам юз беради.

☯ Урушлар чиқимлари баҳслашув маблағларидан ортиб кетадиган судлашув жанжалларига ўхшайдилар.

☯ Севимли аёлни йўқотишдан аламли ва қисқа муддатлироқ йўқотиш йўқ.

☯ Тиниб-тинчимайдиган фаолият, эҳтиёткорликка қараганда, тезроқ бойликка олиб келади.

☯ Биз барчанинг ҳурмат-эътиборини, қачонки унга муносиб эканлигимизни қатъий билганимизда эди, хиралик билан кутмас эдик.

☯ Барча адолатсиз нарсалар, агар улар бизга тўппадан-тўғри фойда келтирмасалар, бизни ҳақорат қиладилар.

☯ Аниқлик — фалсафанинг илтифоти.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

*Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.

ТЕАТР САНЪАТИ

«СУПЕРҚАЙНОНА»НИ КЎРИБ...

ЁКИ ИЧАКУЗДИ КУЛГУГА БОЙ ТОМОША ҲАҚИДА

Қайнонанинг она, келиннинг қиз бўлишини исташ халқимизнинг азалий орзуси. Зеро, оилавий жанжалларнинг аксарияти, шу орзунинг рўёбга чиқмаётгани билан боғлиқ. Яқинда Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри саҳнасида премьераси бўлиб ўтган «Суперқайнона-2» комедиясини кўрган томошабинни ҳам шундай фикрлар чулғаган бўлса ажаб эмас. Қизиғи, бу томошада оила жанжали билан боғлиқ барча можаролар кулги остида давом этади.

Санжарали Имомов асари асосида саҳналаштирилган икки пардали мусиқавий комедия режиссёр Баҳодир Назаров талқинига хослиги билан ажралиб туради. Ижрочиларга аталган либослар ҳам миллийлиги билан диққатга сазовор. Албатта, газетхонни бу томоша воқеаси қандай кечиши кўпроқ қизиқтириши табиий.

Гап шундаки, дастлабки саҳнада ўртаҳол оила хонадони ўз аксини топган бўлса, иккинчи пардада бой-бадавлат оиланинг ҳовлиси экани аён бўлади. Воқеа эса ҳовли саҳнида супуриб-сидириб юрган келиннинг ҳаракати билан бошланади. Биз бу аёлнинг қулоғи оғирроқ эканини дарвоза тугмачаси босилганда ҳам келиннинг бепарво ҳаракатидан билиб оламиз. Куёв бола — Мардон эса ширин уйқудан кечиб чиқади-да, болиш ёстиқни келинга қараб улоқтиради. Огоҳ тортган келин лаббайлаб, тинчликми деб зийрак тортади. Мардон эшикни очиш лозимлигига ишора қилади. Хонадонга кириб келган Ҳожар қайнона келинининг бундай нотавон эканидан ноилий бошлайди, ўғлига ачинади. Қандай бўлмасин, келини Муяссар ўрнига бошқа келин олишга аҳд қилади. Қўлидан доира тушмайдиган яллачи қўшниси Тўтинисо билан келишиб, унинг қизи, гўё турмуши яхши бўлмаётган, лекин тадбиркорликда ҳамиша «беш» бўлган Холидани Мардон билан қўшиш ҳаракатига тушади.

Тўғри, томошабин воқеалар давомида бу хонадонга янги келин тушаркан-да, деган хаёлга борса-да, аслида шифокор Мардон кўз очиб кўргани Муяссардан кечмай, аксинча маҳаллада «Холида-холдинг» деб довруғ таратган жувон билан келишган ҳолда Хожарга томоша кўрсатмоқчи бўлади. Бундай битим самарали кечиб, Хожар ўжар тавбасига таяниб, қулоғи оғир бўлса ҳам ўша кар келинини орзу қила бошлайди. Албатта, воқеалар ривожи кулгули сўзлар, қўшиқлар, ёқимли мусиқалар билан бойитилган. Хусусан, Мардон ролини ижро этган Дилмурод Узоқов билан саҳнага Муяссар бўлиб чиққан Мақсуда Отажонованинг ширали овози кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Малика Қаюмова эса қайнона ролини ўринлатган.

Театр саҳнасида қўйилган янги томошадан ҳисса шуки, одам боласи ўтган кунига сабр ва шукр қилишни унутиб, кўпинча босар-тусарини билмай, ҳаю-ҳавасларга берилади. Биз буни ҳеч кимга сўз бермайдиган ўша Хожарнинг Оллоҳ кимга нимани раво кўради, ўзи билади ҳикматидан, тақдирул азалдан ҳеч ким қочиб қутулолмаслигини ҳис этганида сезамиз. Ўйлаймизки, ўзбек театри саҳнаси томошабинларни ром этгувчи яна бир асар билан бойиди.

■ **Роҳила ИСМАТУЛЛАЕВА**

Суратда: асар иштирокчиларидан бир гуруҳи

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 94-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР	64	41	39	MATIZ	30010925.2	Сумма: 3000	1600	**20 ТУР**
2	16	66	26	автомобили	70027519.1	**11 ТУР**	**16 ТУР**	49
58	89	83	72	Чипта рақами	**7 ТУР**	7	35	Сони: 372
61	90	40	59	60011517.2	84	Сони: 4	Сони: 68	Сумма: 1100
68	73	80	77	**5 ТУР**	14	Сумма: 2000	Сумма:	**21 ТУР**
45	56	62	37	15	3	**12 ТУР**	1500	52
55	38	82	47	Сони: 1	Сони: 1	10	**17 ТУР**	Сони: 598
19	6	8	27	Видеомагнитофон	Видеомагнитофон	Сони: 8	60	Сумма: 1000
28	Сони: 2	71	69	Чипта рақами	Чипта рақами	Сумма: 1900	Сони: 102	**22 ТУР**
88	Телевизор	1	18	10002999.2	30009140.3	**13 ТУР**	Сумма:	85
53	Чипталар	9	78	**6 ТУР**	**8 ТУР**	43	1400	Сони: 910
Сони: 1	рақами	36	33	29	50	Сони: 26	**18 ТУР**	Сумма: 900
Телевизор	30005024.1	Сони: 2	34	Сони: 4	Сони: 2	Сумма: 1800	13	**Қўшимча тур**
Чипта рақами	70005061.2	Сумма:	4	Видеомагнитофон	Сумма: 5000	**14 ТУР**	Сони: 146	Сони: 43
90024323.1	**3 ТУР**	500000	23	Чипталар	**9 ТУР**	86	Сумма:	Сумма: 900
2 ТУР	32	Чипталар	25	рақами	12	Сони: 23	1300	**Халтадан чиқмаган шарлар:**
54	44	рақами	48	20025139.1	Сони: 5	Сумма:	**19 ТУР**	5
79	11	90001144.2	74	30005077.1	Сумма: 4000	1700	21	42
65	17	90006384.3	57	Сони: 1	**10 ТУР**	**15 ТУР**	Сони: 247	51
22	30	**4 ТУР**	20		46	24	Сумма:	67
75	31	87	63		Сони: 3	Сони: 46	1200	76
		70	Сони: 1			Сумма:		81

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 14 ноябрдаги 95-тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

ПРИГЛАШАЕМ НА ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ

Государственное дочернее предприятие «Узтехгаз» 10 декабря 2002 года проводит открытые тендерные торги по закупке материально-технических ресурсов в том числе: трубы от d-15 до d-219 в количестве 2150 тн., мембранное полотно в количестве 6800 кв.м, карбид кальция (фракции 25/80) в количестве 310 тн., поранит в количестве 17,6 тн., комплект газосварочного аппарата (ацетиленовый) в количестве 422 шт. и графитовая смазка в количестве 20 тн. (с отсрочкой платежа на 90 дней).

Заявки на участие в тендерных торгах принимаются до 18 часов 26 ноября, пакет тендерной документации и дополнительную информацию можно получить в РГП «Бошкоммунгаз» Управления ВЭД и приватизации по адресу:

г.Ташкент 700 035,
ул. Ниёзбек йули, 1.
телефоны (3712) 133-94-41, 133-94-47, факс 132-25-06.
E-mail gaztech@sarcor.uz

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 318-sonli «IXTISOSLASHGAN MAKTAB-BOG'CHA» MAJMUASIга тегишли бўлган думалоқ гербли муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ҲДП Марказий Кенгаши Котибияти Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор **Абдулҳай Қосимович ВАЛИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

«Мулоқот» журнали жамоаси Бош муҳаррир ўринбосари Рашид Рауповга укаси **ШАВКАТЖОН**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, фалсафа фанлари доктори, профессор **Абдулҳай Қосимович ВАЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi Farruh HAMROYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
G — 1068
10476 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA